

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

50-сон
(1174)
2024 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

442. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 декабрдаги ПФ-214-сон Фармони
443. «Қарши давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 декабрдаги ПҚ-428-сон қарори
444. «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги ПҚ-431-сон қарори
445. «Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Элчихонасининг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 декабрдаги ПҚ-434-сон қарори

Учинчи бўлим

446. «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари давлат реестрини юритиш ва маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартибларини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 декабрдаги 832-сон қарори
447. «Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 декабрдаги 836-сон қарори

Бешинчи бўлим

448. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 9-noyabrdagi 34/5-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3581*)
449. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 13-mb-son “Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3582*)
450. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 29-noyabrdagi 195-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-2*)
451. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 2-dekabrdagi 198-son “Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmati xodimlarining faoliyati samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 12-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3583*)
452. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Adliya vazirligining 2024-yil 7, 10-dekabrdagi 48-q/q, 1-mh-son “Toshkent davlat yuridik universitetida o‘qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya*

vazirligi tomonidan 2024-yil 13-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2780-6)

453. O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil 6-dekabrdagi 434-sون “O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to'g'risidagi nizomining 1 va 2-ilovalariga o'zgartirish kiritish haqida”gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3526-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

442 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Тадбиркорлик субъектларини молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддатни қисқартириш ва уларни тугатиш тартибини янада соддалаштириш, товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини қўллашни кенгайтириш, шунингдек, мажбурий рақамли маркировкалаш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини белгилаш мезонларини такомиллаштириш;

янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини баҳолаш кўрсаткичларини мақбуллаштириш;

«ВВВ» тоифадаги тадбиркорлик субъектларига товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини татбиқ этиш;

маҳаллий пиво маҳсулотларини реализация қилиш фаолиятини ваколатли органни хабардор қилиш тартибида амалга ошириш.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 декабрь,
ПФ-214-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 10 декабрдаги
ПФ-214-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишини такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5656-сон Фармони З-бандининг бешинчи хатбоисидан «маҳаллий пиво маҳсулотлари,» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги «Тадбиркорлик субъектларни тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5739-сон Фармонининг 2-бандида:

а) «в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) корхонани молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун қўйидагилар асос бўлади:

давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб уч ой мобайнида банк ҳисобварақларини очмаганлиги;

банк ҳисобварақларини очган, бироқ олти ой мобайнида:

молия-хўжалик фаолияти бўйича банк ҳисобварақларига маблағлар туширганлиги;

электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштирмаганлиги;

онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ёки маркетплейс тўлов тизимидан фойдаланмаганлиги;

ташқи савдо операцияларини амалга оширганлиги»;

б) қўйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиша:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бир йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилади;

ҳаракатсиз режимга ўтказилган корхоналар фаолияти бир йил давомида тикланмаган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи орган уларни Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқаради».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-132-сон Фармони 6-банди «а» кичик бандининг тўртинчи хатбоисидаги «ушбу Фармон кучга киргунга қадар» сўзлари «2023 йил 1 деқабрдан ушбу Фармон кучга киргунга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон қарори билан тасдиқланган Рейтинг кўрсаткичлари асосида

худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 32-позицияси, 2а-илованинг 14-позицияси ҳамда 3-илованинг 42-позицияси «Кўрсаткичларни хисоблаш методикаси» устунидаги «Қайта (янги) ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тўхтатилган тадбиркорлик субъектлари сонига нисбати» сўзлари «Қайта (янги) ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари умумий сонида товар айланмасини амалга оширган тадбиркорлик субъектларининг улуси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-39-сон қарорининг 4-бандида:

- а) «в» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин;
- «в) «А» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига солиқлар бўйича (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш уч кун муддатда амалга оширилади»;
- б) қўйидаги мазмундаги «г» кичик банди билан тўлдирилсин;
- «г) «ВВВ» ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби татбик этилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

443 Қарши давлат техника университетини ташкил этиш тўғрисида*

Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқлари учун замонавий билим ва кўнгилмаларга эга олий маълумотли мухандис кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг Қарши мухандислик-иқтисодиёт институти, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Шахрисабз филиали негизида Қарши давлат техника университетини (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
мухандислик, геология, ишлаб чиқариш, курилиш, транспорт, энергетика, ахборот технологиялари ва дастурлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда ирригация тизимлари ва агротехнологиялар соҳалари бўйича, шунингдек, худуднинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжига мувофиқ замонавий билим ва амалий кўнгилмаларга эга мухандис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

худуддаги техника ўнналишларида ўрта бўғин кадрларини тайёрлайдиган касбий таълим ташкилотларининг методик ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

замонавий ўқув, илмий ва IT лаборатория базасини яратиш, ушбу лабораторияларни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини амалга ошириш;

таълим жараёнинга илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини қўллаш, халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш ҳамда талаба ва профессор-ўқи-түчиларнинг саноат корхоналарида малакавий амалиёт ва стажировка ўтashини йўлга қўйиши;

амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш;

талабаларни ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, уларда юксак маънавий ва ахлоқий

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 декабрда эълон килинган.

фазилатларни ривожлантириш, таълим-тарбия ва амалиёт уйғулугини самарали ташкил этиш.

3. Қўйидагилар:

Карши давлат техника университети фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Карши давлат техника университетига оператив бошқарув ҳуқуки асосида бепул берилаётган обьектлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Карши давлат техника университетига бириткирилаётган ўрта маҳсус ва қасбий таълим ташкилотлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Университетга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингида биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотларининг дастурлари асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига чет эллик мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва «устоз-шогирд» тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси ҳамда талабаларнинг эришган ютуқлари бўйича рафбатлантириб бориш.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа оғиси билан биргаликда икки ой муддатда Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда Университетда Трансформация марказини ташкил этсин.

Трансформация маркази қўйидаги масалалар юзасидан масъул этиб белгилансин:

Университетнинг таълим дастурларини халқаро таълим стандартларига мувофиқлаштириш;

Университетни дунёнинг энг нуфузли олий таълим ташкилотлари рейтингига киритиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

Университет таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш ҳамда Университет дипломларининг хорижда тан олинишига эришиш;

таълим хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида Университет ўқув-услубий бўлинма ҳамда деканатлар штатларини мақбулаштириш ҳисобидан Регистратор оғиси фаолиятини йўлга қўйиш;

Университетнинг таълим, тадқиқот ва ахборот-кутубхона фаолиятларини ҳамда бошқарув жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

a) 2024/2025 ўқув йили давомида:

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Университет илмий салоҳиятини ошириб бориш чорасини кўрсин ҳамда унинг ҳалқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишида, хусусан, етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим ва ҳалқаро алмашинув дастурларини жорий этишга кўмаклашсин;

малака талаблари ва фаннинг ўқув дастурлари иш берувчиларнинг таклифлари ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари дастурлари асосида ҳалқаро таълим стандартларига мослаштирилган ҳолда таълим жараёнига жорий этилишини таъминласин;

Университет бошқарув кадрлари лавозимларига олий таълим ташкилотларида юқори натижалар кўрсатган, узоқ йиллик иш тажрибасига эга, хорижий тилларни биладиган, нуфузли хорижий олий таълим ташкилотларида таҳсил олган ёки малака оширган истиқболли мутахассисларни жалб этсин;

Университетни танлов асосида ишлаб чиқариш, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида катта илмий ва (ёки) амалий тажриба ортирган мутахассислар, устувор равишида, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

Университетда қайта тикланувчи энергия манбалари, экология ва атроф-мухит муҳофазаси ва атроф-мухит муҳандислиги йўналишларида кадрлар тайёрлаш салмоғини ошириш чораларини кўрсин;

Университет талabalарининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини ва профессор-ўқитувчиларнинг фаолият самарадорлигини ҳалқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этсин;

Университетда Таълим хизматлари марказини ташкил этиб, талabalарга ўқиш давомида юзага келадиган ташкилий ва хуқуқий масалалар бўйича барча зарур хизматларнинг «ягона дарча» тамойили асосида кўрсатилишини йўлга қўйсин;

Университет профессор-ўқитувчилари ва докторантларини етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларига илмий стажировка ва малака оширишга юбориш чорасини кўрсин;

Университетнинг бакалавриат ва магистратура босқичларига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талabalар учун дарслар хорижий тилларда ўқитидаган алоҳида гурухлар ташкил этсин;

в) Тошкент кимё-технология институтининг собиқ Шаҳрисабз филиали базасида Университетнинг Шаҳрисабз озиқ-овқат муҳандислиги факультети фаолиятини йўлга қўйиб, унда устувор равишида озиқ-овқат технологияси, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда озиқ-овқат саноати машиналари ва агрегатлари йўналишларида кадрлар тайёрлашни ташкил этсин;

г) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб йирик ишлаб чиқариш корхоналарини Университетга саноат ҳамкори сифатида бириткириш ҳамда ушбу тизимнинг самарали фаолиятини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Университетга етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида фаолият юритувчи чет эллик ва (ёки) етакчи хорижий олий таъ-

лим ташкилотлари битирувчиси бўлган маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш чораларини кўрсинг.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида фаолият юритади;

б) Университет Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ҳамда Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиалининг хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тузилган шартномалари бўйича хуқуқий вориси ҳисобланади;

в) Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти, Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти, Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали ҳамда Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабз филиалида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ва 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Университет дипломи берилади;

г) Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида тасдиқланган бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 декабрь,
ПҚ-428-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

444 Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қишлоқ хўжалигида замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, экинларни экиш, етишириш ва ҳосилни йиғиб олишни босқичма-босқич тўлиқ механизациялаш, аграр соҳада қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис (техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш) хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш ва сервис устахоналари технологик базасини ривожлантириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг пахта етиширувчилар билан келишган ҳолда 2025 йилдан бошлаб барча пахта экиладиган майдонларда босқичма-босқич пахта чигитини қатор ораси 76 см кенгликда қўшқатор қилиб, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари орқали (плёнка остига шланг билан) экишга ва пахта хомашёси ҳосилини машиналар ёрдамида териб олишга ўтиш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ хўжалиги кооперациялари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва маҳаллаларга агротехник хизматлар кўрсатувчи тадбиркорларга мазкур қарорга 1-иловада келтирилган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини кредит ёки лизинг шартларида етказиб беришни ташкил этиш учун Жаҳон банкининг:

«Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар хисобидан 34 миллион АҚШ доллари ҳамда «Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар хисобидан 19,5 миллион АҚШ долларини лизинг ташкилотларига ўйналтириш бўйича Жаҳон банкининг розилиги олинганлигини инобатга олиб, бир ой муддатда мазкур маблағларнинг белгиланган тартибда лизинг ташкилотларига ажратилишини;

«Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида тайёр боғ ва кичик агрологистика лойиҳалари учун кўзда тутилган маблағлардан 65 миллион АҚШ долларини замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун ўйналтириш масаласини уч ой муддатда Жаҳон банки билан келишиб, қарз битимига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари 2025 йилда харид қилинадиган пахта териш машиналари, лазерли ер текислагичлар, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкаларини харид қиласидиган талабгорлар рўйхатини шакллантириш, етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ва бўнак маблағла-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 14 декабрда эълон қилинган.

рини йўналтириш ишларининг 2025 йил 1 февралга қадар якунланишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

а) 2025 йил 1 январдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб беришда амалдаги қонунчиликка мувофиқ қўлланиладиган имтиёзлар (субсидия, солик ва божхона имтиёзлари ва молиявий ёрдамлар) факат маҳаллий ишлаб чиқарувчilar ва дилерлар орқали муомалага чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникаларига нисбатан татбиқ этилади;

б) 2027 йил 1 январга қадар қуидагилар божхона божидан ва утилизация йиғимидан озод қилинади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчilar, қишлоқ хўжалиги кооперациялари ва қишлоқ хўжалигига агротехник хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган ҳамда ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ва фойдаланиш даражаси ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган моторесурснинг 50 фоизидан ошмаган пахта териш комбайнлари, ўзиорар озуқа йиғувчи ва боғдорчилик комбайнлари, кўчат кўмиш ва очиш техникалари;

маҳаллий ишлаб чиқарувчilar ва дилерлик хизмати томонидан хориждан олиб келинадиган янги пахта териш комбайнлари, ўзиорар озуқа йиғувчи ва боғдорчилик комбайнлари, кўчат кўмиш ва очиш техникалари;

в) 2025 йил 1 марта бошлаб амалдаги қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан (субсидия, солик ва божхона имтиёзлари ва молиявий ёрдамлар) фойдаланган ҳолда харид қилинган, шу жумладан, республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган янги тракторлар ва комбайнларни уларга GPS қурилмасини ўрнатмаган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тақиқланади;

г) 2028 йил 1 январдан бошлаб асосий пахта ва ғалла ҳосили учун пахта чигити ва буғдойни экишда аниқ доналаб экмайдиган сеялкалардан фойдаланиш тақиқланади;

д) амалдаги қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан (субсидия, солик ва божхона имтиёзлари ва молиявий ёрдамлар) фойдаланган ҳолда харид қилинган мазкур қарорга 1-иловада келтирилган янги трактор ва комбайнлар (1 — 6-позициялар) 3 йил давомида бошқа шахсларга сотилганда, берилган барча имтиёзлар бекор қилинади ва имтиёз суммалари 25 фоиз жарима қўлланган ҳолда Давлат бюджети даромадига ундирилади;

е) қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг буюртмаси (талаби) бўйича аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмасига асосан ишсиз ёшларни замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи мутахассис сифатида ва ушбу техникаларни бошқарувчи операторликка (тракторчи-машинист) ўқитиш ва қайта тайёрлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади;

ж) 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, агротехник хизматлар кўрсатиш, шу жумладан,

экин майдонларини лазерли ер текислагич ёрдамида текислаш, фўзани чилпиш (чеканка) ва дефолиациялаш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига (бундан кластерлар мустасно) юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда:

импорт қилинган қишлоқ хўжалиги техникаларини сотувчи дилерларнинг давлат реестри юритилишини;

бир ой муддатда дилерлик хизматлари учун талабларнинг (фаолиятни рўйхатдан ўтказиш, экологик ва техник стандартларга риоя этиш, сертификациялаш, тракторчи-машинистларнинг касб маҳоратини ошириш, бизнесни суфурталаш, сотувдан кейин кафолат ва кафолатдан кейинги техник хизмат) Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар томонидан ўз эҳтиёжи учун ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган қишлоқ хўжалиги техникаларининг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари 2028 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

Бунда ушбу имтиёз ҳисобига тежалган маблағларнинг ҳисоби алоҳида юритилиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялашга йўналтирилиши ва мазкур талаб бажарилмаганда ушбу маблағлар Давлат бюджети даромадига ундирилиши белгилаб қўйилсин.

7. «Ўзватосаноат» АЖ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда 2025 йил 1 апрелга қадар 100 дона аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкаларини, 2025 йил 1 сентябрга қадар 50 дона замонавий пахта териш комбайнлари, 10 донадан озука йифувчи, боғдорчилик комбайнлари, кўчат кўмиш ва очиш техникаларини маҳаллийлаштирган ҳолда ишлаб чиқарилишини ва ушбу техникаларнинг самарарадорлигини 2025 йил ҳосилида тармок илмий-тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда агротехник тадбирларни бажариш режимларида ўрганишни таъминласин;

бир ой муддатда Бош вазир хузурида қишлоқ хўжалиги техникаларини маҳаллийлаштириш бўйича тақдимот ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги «Чирчик шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-7-сон қарорида назарда тутилган субсидиялар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган ҳамда хориждан тайёр ҳолда олиб келинадиган аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари, боғдорчилик комбайнлари ҳамда пахта териш комбайнлари учун, истисно тариқасида, 2026 йил 1 январга қадар татбиқ этилади. Бунда мазкур тартиб 2024 йилда тайёр ҳолда импорт қилинган пахта териш комбайнларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантириша қишлоқ хўжалиги техникалари хариди қийматининг

ҳамда фоиз харажатларининг бир қисмини субсидиялаш учун тегишли маблағлар кўзда тутиб борилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи корхоналар дилерлари ҳамкорлигига «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг ўқув базасида ва республиканинг барча ҳудудларида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқарувчи тракторчи-машинистларни ҳамда ушбу техникаларга хизмат қўрсатиш марказлари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш курсларини ташкил этсин.

10. «Ўзавтосаноат» АЖ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, лизинг компаниялари ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда 2025 йил 1 марта қадар пахта териш комбайнларини харид қилиш, харидни молиялаштириш, субсидиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, сервис хизматларидан фойдаланиш ҳамда эҳтиёт қисмларни харид қилиш имкониятини берувчи рақамлаштирилган ягона ахборот порталининг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ҳокимлари қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берувчи дилерларга сервис хизматлари қўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш учун қонунчилика белгиланган тартибда зарур бино-иншоотлар олишга амалий ёрдам қўрсатсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Бош прокуратура (Ж. Хатамов) мазкур қарор билан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича белгиланган имтиёзлар ва ажратилган маблағлардан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчкоров ва Ж.А. Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 12 декабрь,
ПҚ-431-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги
ПҚ-431-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарига
етказиб бериладиган замонавий қишлоқ хўжалиги
техникалари ва ускуналари
РЎЙХАТИ**

| T/p | Техникалар номлари | ТИФ ТН коди |
|-----|---|---------------|
| 1. | Куввати 140 от кучига тенг ва ундан юқори бўлган умумий фойдаланишдаги (GPS қурилмали) фидиракли тракторлар | 8701 93 100 0 |
| 2. | Куввати 80 — 110 от кучига тенг бўлган универсал чопик тракторлар (GPS қурилмали) | 8701 93 100 0 |
| 3. | Куввати 80 — 110 от кучига тенг бўлган (GPS қурилмали) юқори клиренсли тракторлар | 8701 93 100 0 |
| 4. | Куввати 40 — 60 от кучига тенг бўлган боғдорчиликда ишлатиладиган (GPS қурилмали) тракторлар | 8701 93 100 0 |
| 5. | Фалла ўриш комбайнлари (GPS қурилмали) | 8433 51 000 1 |
| 6. | Пахта териш машиналари (GPS қурилмали) | 8433 52 000 0 |
| 7. | Лазерли ер текислагичлар | 8 432 800 000 |
| 8. | Айланма омочлар | 8 432 100 000 |
| 9. | Дискли бороналар | 8 432 210 000 |
| 10. | Экин экиш (электрон бошқарувли, ўғит ва гербицид сепииш мосламали, пневматик) сеялкалари | 8432 31 110 0 |
| 11. | Юқори аниқликдаги ва кўп функцияли барабанли сеялкалар (бир вақтда ургулек экиш, томчилатиб сугориш шлангларини ётқизиш ва плёнка тортишига мўлжалланган) | 8432 31 110 0 |
| 12. | Дон экиш сеялкалари | 8432 31 110 0 |
| 13. | No-till технологияда уруғлик экиш сеялкаси | 8432 31 110 0 |
| 14. | Тиркамалар | 8716 20 000 0 |
| 15. | Вентиляторли пуркагичлар (ОВХ) | 8424 49 990 0 |
| 16. | Штангали пуркагичлар (майда дисперсли) | 8424 49 990 0 |
| 17. | Культиваторлар | 8432 29 100 0 |

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги
ПҚ-431-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-106-сон қарорига 4-илованинг 7-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдағи «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-344-сон қарорининг 12-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов) 2025 йил 1 июнга қадар Жаҳон банки билан музокаралар ўтказган ҳолда Жаҳон банкининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида тайёр кичик агрологистика лойиҳалари учун ажратилган 65 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва агрологистика соҳасига йўналтириш бўйича аниқ механизmlарни жорий қилсин».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

445 **Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги
Элчихонасиning фаолияти самарадорлигини ошириш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилишга кўмаклашиш, шунингдек, уюшган жиноятчилик, терроризм, экстремизм, одам савдоси, ноқонуний миграция ва бошқа турдаги жиноятларга қарши курашиш масалаларида Россия Федерацияси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Элчихонаси (кейинги ўринларда — Элчихона) штат жадвалига меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тегишли равища ўзgartирган ҳолда, биринчи котиб — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вакили (кейинги ўринларда — Вакил) қўшимча лавозими киритилсин.

2. Қўйидагилар Вакилнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги ўзаро ишонч ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда яқин ҳамкорликни кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мунтазам равища пухта ишланган амалий таклифларни тайёрлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқук ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Россия Федерациясининг Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм, экстремизм, одам савдоси, ноқонуний миграция ва бошқа турдаги жиноятларга қарши курашиш, уларнинг фош этилишига кўмаклашиш ҳамда ушбу йўналишларда тезкор маълумот алмашинувини ташкил этиш бўйича амалий ҳамкорликни кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича консуллик функцияларини бажаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, одам савдоси ва ноқонуний миграция масалалари бўйича оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги мурожаатларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш.

3. Белгилансинки:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 декабрда эълон килинган.

Вакил Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тақдимномасига мувофиқ белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади;

Вакил ички ишлар органларидағи фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига бўйсунади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт ва молия вазирлиги:

Элчихона ташкилий-штат тузилмасидаги ўзгаришлардан келиб чиқсан ҳолда, Вакилни сақлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг 2025 йилга мўлжалланган Давлат бюджетида кўзда тутилган хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларини молиялаштириш ҳажмида инобатга олсин;

Элчихонага битта автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлаш учун қўшимча лимит ҳамда маблағ ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вакил фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Б.О. Сайдов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 13 декабрь,
ПҚ-434-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

446 Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари давлат реестрини юритиш ва маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартибларини белгилаш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 19 февралдаги ПҚ-75-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари давлат реестрини юритиши тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича республика комиссияси таркиби 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича худудий комиссиясининг намунавий таркиби 3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича республика комиссияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича худудий комиссиялар тўғрисидаги намунавий низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари давлат реестрини (кейинги ўринларда — Реестр) шакллантириш ва юритиш учун масъул орган ҳисобланади;

Кадастр агентлиги Реестрни ишлаб чиқиш ва ахборот тизимини қўллаб-қувватлашда буюртмачи ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларига доир ҳужжатларни, шу жумладан, хариталар ва чегаралар чизиги тавсифини тайёрлаш, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг навбатчи хариталарини

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 августда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва маъмурий-ҳудудий бирликларнинг давлат реестрини ишлаб чиқиш ва юритиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида Кадастр агентлиги учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари давлат хизматларини кўрсатишда ҳамда идораларо электрон ўзаро ҳамкорлик қилишда Реестрдан фойдаланиши шарт;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари Реестрга киритиладиган ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва ишончлилиги учун жавобгар хисобланади.

4. Кадастр агентлиги Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Реестрнинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича техник топшириқ тасдиqlанишини ҳамда 2025 йил 1 февралга қадар Реестрнинг ахборот тизими тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

Бунда Реестрдан фойдаланиш орқали идораларо ўзаро ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратилиши ҳамда маълумотларни реал вақт режимида фойдаланиш назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирисин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 декабрь,
832-сон

Вазирлар Мажкамасининг
2024 йил 10 декабрдаги 832-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий
бирликлари давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари давлат реестрини (кейинги ўринларда — Реестр) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Низомда қуидаги асосий тушунчалар ва қисқартмадан фойдаланилади:

маъмурий-худудий бирликлар — вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси;

маъмурий-худудий тузилиш масалалари — маъмурий-худудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий-худудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, маъмурий-худудий бирликларнинг бўйсунувини ўзгартириш;

маъмурий-худудий объектни белгилаш тизим коди (кейинги ўринларда — МҲОБТ коди) — маъмурий-худудий бирлик мансублигини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги томонидан бериладиган код.

3. Маъмурий-худудий бирликлар давлат рўйхатидан уларни Реестрга киритиш йўли билан ўтказилади.

4. Реестрга киритилган маъмурий-худудий бирлик давлат рўйхатидан ўтказилган деб ҳисобланади.

5. Реестр давлат ер кадастрининг бир қисми ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) томонидан юритилади.

6. Реестр ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ давлат тилида электрон шаклда юритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси худуди бўйича маълумотлар қорақалпок ва давлат тилида киритилади.

7. Реестр қуидаги маълумотларни ўз ичига олади:

маъмурий-худудий бирликларнинг тоифалари ва номлари;

МҲОБТ коди;

маъмурий-худудий бирликларнинг маъмурий марказлари;

маъмурий-худудий бирликларнинг тавсифлари ва картографик чизмалари;

маъмурий-худудий бирликларни тузиш, тугатиш ва уларнинг чегаралари;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни ўзгартириш, маъмурий-худудий бирликларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш, маъмурий-худудий бирликлар бўйсунувини ўзгартириш саналари;

маъмурий-худудий бирлик таркибига кирувчи маъмурий-худудий бирликларнинг МҲОБТ коди кўрсатилган рўйхати;

маъмурий-худудий бирликнинг муайян маъмурий-худудий бирлик таркибига мансублиги;

маъмурий-худудий бирликлар майдони ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра тайёрланадиган Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий хисобот асосида шакллантирилади;

маъмурий-худудий бирликлар ҳудудида яшайдиган доимий аҳоли сони ҳамда МҲОБТ коди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг (кейинги ўринларда — Статистика агентлиги) маълумотлари асосида киритилади.

Реестр ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шакллантирилади.

8. Давлат картография-геодезия фонди, давлат архивлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг архив маълумотлари ҳамда Кадастр агентлигининг ер ҳисботи ва маъмурий-худудий бирликлари чегараларини белгилаш (тилаш) бўйича бажарилган ишларнинг натижалари асосида бирламчи рўйхат ва ҳисбот ҳужжатлари шакллантирилади.

9. Ҳисбот ҳужжатлари ҳудудий бирликнинг ҳар бир маъмурий-худудий бирлигига нисбатан шакллантирилади ва ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни ўз ичига олади.

2-боб. Реестрни юритиш тартиби

10. Реестр:

янги маъмурий-худудий бирликлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш; маъмурий-худудий бирликлар тўғрисидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритиш;

тутатилган ва маълумотлари ўзгартирилган маъмурий-худудий бирликлар тўғрисидаги маълумотларни архивлаш орқали юритилади.

11. Реестрни юритиш доирасида ўзгартириш ва қўшимчалар фактат Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича қарор қабул қилишга ваколатли давлат органларининг қарорлари асосида киритилади.

12. Маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтиносномалар тақдим этган давлат органлари ваколатли давлат органлари томонидан ижобий қарор қабул қилинганидан кейин ўн иш кунида тегишли ҳужжатларни Реестрга киритиш учун Кадастр агентлигига ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни электрон ҳамкорлик орқали тақдим этиши шарт.

Янги маъмурий-худудий бирликларни тузиш ва айрим ҳудудларни бир маъмурий-худудий бирликтан бошқасига ўтказиш пайтида, янги тузил-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган ва тугатилган ҳудудларга режалаштириш ва картографик материаллар (электрон рақамли хариталар) масштаби ва тафсилотлари билан киритилиди.

Бунда маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг бурилиш нуқталари координаталарининг каталоглари ва улар орасидаги масофалар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинган ҳолда, маъмурий чегараларни аниқ белгилаш имконини берадиган, шунингдек, маъмурий чегараларнинг чегара чизиқлари ва доимий аҳолининг аниқ сони тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

13. Давлат органлари томонидан маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича Кадастр агентлигига тақдим этилган ҳужжатлар уч иш кунида кўриб чиқилади ва тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ҳисобот ҳужжатлари тўпламига тикилади.

14. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиши натижаси бўйича ушбу Низомнинг 12-банди талабларига мос келса, Кадастр агентлиги бир иш кунида МҲОБТ кодини белгилаш ёки аниқлик киритиш учун Статистика агентлигига юборади.

Статистика агентлиги маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича тақдим этилган ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб икки иш кунида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг МҲОБТ кодини белгилайди ёки аниқлик киритади ва маълумотларни Кадастр агентлигига юборади.

Кадастр агентлиги Статистика агентлигидан маълумотлар қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш кунида маълумотларни Реестрга киритади ҳамда бу ҳақда ваколатли давлат органини хабардор қиласди.

15. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиши натижаси бўйича ушбу Низомнинг 12-банди талабларига мос келмаса, Кадастр агентлиги бир иш кунида сабабларини кўрсатган ҳолда ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун қайтаради.

Маъмурий-ҳудудий тузилиш бўйича ҳужжатларни киритган давлат органлари ўн кун муддат ичida қайтарилиган ҳужжатларнинг камчиликларини бартараф этиб, қайта киритади.

Қайта киритилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

16. Реестр Кадастр агентлигининг расмий веб-сайтида онлайн режимда жойлаштирилади.

Веб-сайтда маъмурий-ҳудудий бирликлар сони тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга З-иловага* мувофиқ шаклда ҳудудлар кесимида жойлаштирилади.

17. Ушбу Низом кучга киргунинга қадар шакллантирилган маъмурий-ҳудудий бирликлар давлат рўйхатидан Кадастр агентлиги томонидан Давлат картография-геодезия фонди, давлат архивлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг архив маълумотлари, шунингдек, Кадастр агентлигининг сўровига асосан вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳоким-

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликлари томонидан тақдим этилган маъмурий-худудий бирликни шакллантириш учун асос бўлган ҳужжатлар асосида ўтказилади.

18. Реестрни шакллантириш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ушбу Низомни қўллаш бўйича юзага келадиган низолар қонунчиликда белгилangan тартибда ҳал этилади.

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 10 декабрдаги 832-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий
тузилиши масалалари бўйича республика комиссияси
фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқук ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш, қайта тузиш ёки тугатиш тартибини белгилайди.

2. Республика комиссияси маъмурий-худудий тузилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси) таклифларини ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг илтимосномаларини кўриб чиқувчи ҳамда давлат экспертизасидан ўтказувчи идоралараро коллегиал орган ҳисобланади.

3. Республика комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласди.

4. Республика комиссиясида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини кўриб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Республика комиссияси белгиланган намунадаги, ўз номи ёзилган бланкаларга эга бўлади ва Вазирлар Маҳкамасининг муҳридан фойдаланади.

2-боб. Республика комиссиясининг асосий вазифалари

5. Куйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий-худудий тузилиш масалаларига доир таклифлар ва илтимосномаларни, шунингдек таклифлар ва илтимосномалар тегишли худудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларига мувофиқлигини давлат экспертизасидан ўтказиш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинишини таъминлаш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда хизмат мавқеи-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни суиистеъмол қилиш ва бошқа хуқуқбузарликлар ҳолатларининг олдини олиш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини кўриб чиқишда асоссиз қарорлар қабул қилинишига йўл кўймаслик.

3-боб. Республика комиссиясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

заруратга кўра республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан маъмурий-худудий тузилиш масалалари тўғрисидаги таклиф ёки илтимосномаларни атрофлича ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни маъмурий-худудий тузилиш масалалари тўғрисидаги таклиф ва илтимосномаларни пухта ўрганиш учун жалб этиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда худудий комиссиялар раҳбарларининг ҳисбботларини эшитиш;

худудий комиссиялар қарорларининг қабул қилиниши ва ижро этилишини мониторингини амалга ошириш ҳамда уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар киритиш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда устувор равишида худудларнинг яхлитлигини сақлаш ва анклав худудларни қолдирмаслик чораларини кўриш.

7. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлайди.

4-боб. Республика комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш

8. Республика комиссиясига унинг раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари раҳбарлик қилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Республика комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўрнларда — Ишчи орган) ҳисобланади.

10. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклифни ёки илтимосномани бир ой ичida кўриб чиқади ҳамда давлат экспертизасидан ўтказади;

заруратга кўра республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан маъмурий-худудий тузилиш масалалари

тўғрисидаги таклиф ёки илтимосномаларни пухта ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда олиш учун сўров юборади;

тегишли фаолият соҳаларида маҳсус билимларга эга бўлган мутахассисларни жалб этади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

Республика комиссияси «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан ўтказилган экспертиза натижаси бўйича хulosса ижобий бўлганда, хulosса Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида кўриб чиқилади ҳамда уни қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади.

Республика комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан ўтказилган экспертиза натижаси бўйича хulosса салбий бўлганда, тақдим этилган йиғма материаллар тўпламини маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтимоснома тайёрлаган давлат органига ма-ромига етказиш учун қайтаради.

Республика комиссиясининг хulosасида маъмурий-худудий тузилиш масалаларига доир таклифларнинг ёки илтимосномаларнинг асослантирилганлиги таҳлили тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини, жорий ва истиқболдаги демографик кўрсаткичларни, шунингдек, комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ҳисобга олган ҳолда акс эттирилиши керак.

11. Республика комиссиясининг раиси:

Республика комиссияси фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди;

Республика комиссияси аъзоларининг вазифаларини белгилайди ва уларга юкланган вазифалар бажарилишини мувофиқлаштиради;

Республика комиссиясининг иш режаларини, кўриб чиқиш учун тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш жадвалларини тасдиқлади;

Республика комиссияси мажлисларининг кун тартибини ва чақирилишини белгилайди;

Республика комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

Республика комиссиясининг самарали ишлashingини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

12. Республика комиссиясининг аъзолари:

Республика комиссияси мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда иштирок этади;

Республика комиссиясига маъмурий-худудий тузилиш масалалари тўғрисидаги таклиф ёки илтимосномалар бўйича таклифлар киритади;

Республика комиссияси муҳокама қиладиган масалалар бўйича хulosалар тақдим этади.

Республика комиссияси аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида

амалга оширади ва тегишли давр мобайнида асосий иш жойидаги улар учун қонунчиликда белгиланган барча шарт-шароитлар сақлаб қолинади.

13. Ишчи орган:

Республика комиссиясининг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича Республика комиссиясининг мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

мажлисларнинг ўтказиладиган вақти ва жойини, шунингдек, таклиф этиладиганлар контингентни Республика комиссиясининг раиси билан келишади;

Республика комиссиясининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлисларнинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қиласди;

Республика комиссияси қарорларининг бажарилиши мониторингини юритади ва унинг натижаларини Республика комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Республика комиссиясининг хulosаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган хulosаларни заруратга кўра Республика комиссиясининг аъзоларига ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади.

5-боб. Республика комиссияси томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

14. Республика комиссияси ўзи ишини ўзи тасдиқлаган режалар асосида ташкил қиласди ва мажлисларини заруратга кўра ҳар чоракда камида бир маҳотаба ўтказади. Комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

15. Республика комиссиясининг мажлисини унинг раиси, раис бўлмаган тақдирда, унинг ўринбосари олиб боради.

Республика комиссиясининг мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда, ҳақиқий хисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум йиғилмаган тақдирда, Республика комиссиясининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

16. Республика комиссиясининг мажлисига кўриб чиқиладиган масалаларнинг ҳусусиятига қараб, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

17. Республика комиссияси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Республика комиссиясининг қарорларини унинг аъзолари билан ўз ваколатлари доирасида сўров ўтказиш орқали тасдиқлаши мумкин.

18. Республика комиссияси хulosасининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

19. Республика комиссияси қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мунтазам равища ўз мажлисларида кўриб чиқади.

6-боб. Республика комиссиясида маъмурий-худудий тузилиш масалаларини кўриб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш тартиби

20. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир илтимосномалар вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

21. Вазирлар Маҳкамаси ўттиз кун муддатда маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича киритилган илтимосномани ишчи орган билан биргаликда кўриб чиқади, Республика комиссияси давлат экспертизасидан ўтказиш учун киритади ва Республика комиссиясининг хulosасига кўра илтимосномани маъқуллайди ёки рад этади.

Бунда Республика комиссияси томонидан маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклиф давлат экспертизасидан ўтказида, натижаси юзасидан хulosса қабул қилинади ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Таклиф ва илтимосномаларда келтирилган маълумотларни қўшимча ўрганиш талаб этилган холларда, Республика комиссияси давлат экспертизасиди бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

22. Маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифга Республика комиссияси томонидан ижобий хulosса тақдим этилган тақдирда, Вазирлар Маҳкамаси илтимосномани маъқуллайди ва маъқулланган таклифни ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига кўриб чиқиш учун киритади.

Маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклифга Республика комиссияси томонидан салбий хulosса тақдим этилганда, Вазирлар Маҳкамаси тақдим этилган материалларни маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича илтимоснома тайёрлаган давлат органига маромига етказиш учун қайтаради.

7-боб. Якунловчи қоида

23. Республика комиссияси қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тугатилади ёки қайта тузилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 10 декабрдаги 832-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши
масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) асосий вазифалари, функциялари, хуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш, қайта тузиш ёки тугатиш тартибини белгилайди.

2. Ҳудудий комиссиялар маъмурий-худудий тузилиш масалалари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашиning, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимларининг таклифларини ва илтимосномаларини кўриб чиқувчи ҳамда давлат экспертизасидан ўтказувчи идоралараро коллегиал орган ҳисобланади.

3. Ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қиласидар.

4. Ҳудудий комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий-худудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган таркибда ташкил этилади.

5. Ҳудудий комиссияларда маъмурий-худудий тузилиш масалаларини кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларда* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Ҳудудий комиссиялар белгиланган намунасадаги, ўз номи ёзилган бланкаларга эга бўладилар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларининг муҳридан фойдаланадилар.

**2-боб. Ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари,
хуқуқлари ва жавобгарлиги**

6. Қўйидагилар ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий-худудий тузилиш масалаларига доир таклиф ва илтимосномаларни, шунингдек, таклиф ва илтимосномаларнинг тегишли худудларни комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларига мувофиқлигини экспертизадан ўтказиш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал қилишда ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинишини таъминлаш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини ҳал этишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг олдини олиш;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларини кўриб чиқишида асоссиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик.

7. Ҳудудий комиссиялар ўзларига юклangan вазифаларнинг ижро этилишини таъминлаш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

заруратга кўра республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан маъмурий-худудий тузилиши тўғрисидаги таклифларни атрофлича ўрганиш учун зарур бўлган маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, тегишли фаолият соҳаларида махсус билимларга эга бўлган бошқа шахсларни маъмурий-худудий тузилиш масалалари тўғрисидаги таклиф ва илтимосномаларни пухта ўрганиш учун жалб этиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳудудий комиссиялар раҳбарлари ва давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари ҳисоботларини эшитиш.

8. Ҳудудий комиссиялар ўзларига юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб берадилар.

Ҳудудий комиссиялар ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига ҳисобот берадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича Республика комиссиясига ахборот тақдим этадилар.

Туманлар ва шаҳарлар комиссиялари ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида тегишлича маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларига ахборот тақдим этадилар.

3-боб. Ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини ташкил қилиш

9. Ҳудудий комиссияга унинг раиси ҳисобланадиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокими раҳбарлик қиласи.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси ва уларнинг туман ва шаҳар филиаллари тегишинча ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади.

11. Ҳудудий комиссиялар:

маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклиф ва илтимосномани бир ой ичидаги қўриб чиқади ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иктисолий ривожланиш даражасини ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда экспертизадан ўтказади;

маъмурий-худудий тузилиш масалаларига доир таклиф ва илтимосномаларнинг асослантирилганлиги таҳлили тегишли ҳудуднинг ижтимоий-иктисолий кўрсаткичларини, жорий ва истиқболдаги демографик кўрсаткичларини, шунингдек, комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режалари ҳисобга олинганлигини аниқлайди;

давлат экспертизаси натижаси бўйича хулоса ижобий бўлганда, хулосани тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларига тақдим этади;

давлат экспертизаси натижаси бўйича хулоса салбий бўлганда, маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ва илтимосномани тайёрлаган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларига маромига етказиш учун қайтаради.

12. Ҳудудий комиссия раиси:

ҳудудий комиссия фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва унга юклangan вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди;

ҳудудий комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилайди ва уларга юклangan вазифаларни бажариш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳудудий комиссиянинг иш режаларини, тушган ҳужжатларни қўриб чиқиш жадвалларини тасдиқлади;

ҳудудий комиссия мажлисларининг кун тартибини ва чақирилишини белгилайди;

ҳудудий комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

ҳудудий комиссиянинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ишларни амалга оширади.

13. Ҳудудий комиссиянинг аъзолари:

ҳудудий комиссия мажлисларида қўриб чиқиладиган масалаларни мухокама қилишда ва ҳал этишда иштирок этади;

ҳудудий комиссияга маъмурий-худудий тузилишининг долзарб масалалари бўйича таклифлар киритади;

ҳудудий комиссия томонидан мухокама қилинадиган масалалар бўйича хулосалар тақдим этади.

Ҳудудий комиссия аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга

оширади ва тегишли давр мобайнида асосий иш жойидаги улар учун қонунчиликда белгиланган барча шарт-шароитлар сақлаб қолинади.

14. Ишчи орган:

худудий комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибидаги масалалар бўйича худудий комиссиянинг мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

мажлисларнинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойини, шунингдек, таклиф этиладиганлар контингентини худудий комиссия раиси билан келишади;

худудий комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказиладиган санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қиласди;

худудий комиссия қарорларининг бажарилиши мониторингини юритади ва унинг натижаларини комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим қиласди;

худудий комиссиянинг хulosасини расмийлаштиради ва тасдиқланган хulosаларни заруратга кўра худудий комиссиянинг аъзоларига ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларга жўнатади.

15. Худудий комиссия ўз ишини ўзи тасдиқлаган режалар асосида ташкил қиласди ва ўз мажлисларини заруратга кўра ҳар чорақда камида бир мэротаба ўтказади. Комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

16. Худудий комиссиянинг мажлисини унинг раиси, раис бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари олиб боради.

Худудий комиссиянинг мажлиси ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда қонуний хисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум йиғилмаган тақдирда, худудий комиссиянинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

17. Худудий комиссиянинг мажлисига кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига караб, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари тақлиф этилиши мумкин.

4-боб. Худудий комиссия томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

18. Худудий комиссия қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида худудий комиссиянинг қарорларини унинг аъзолари билан ўз ваколатлари доирасида сўров ўтказиш орқали тасдиқлаши мумкин.

19. Худудий комиссия хulosасининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларига юборилади.

20. Худудий комиссия қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мунтазам равишда ўз мажлисларида кўриб чиқади.

**5-боб. Худудий комиссияда маъмурий-худудий тузилиш
масалаларини кўриб чиқиш ва экспертизадан
ўтказиш тартиби**

21. Тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича қўйидаги таклифлар тайёрланади ва худудий комиссияга давлат экспертизасидан ўтказиш учун киритилади:

вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларни, вилоятлар туманларини, Тошкент шаҳар туманларини ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туманларини тузиш ҳамда тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш;

вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва қўчириш;

шаҳарларни вилоят ва шаҳарчаларни туман бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш.

Худудий комиссия томонидан маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклиф экспертизадан ўтказилади, натижаси юзасидан хulosha қабул қилиниб, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимига тақдим этилади.

Таклиф ва илтимосномаларда келтирилган маълумотларни қўшимча ўрганиш талаб этилган ҳолларда, худудий комиссия экспертизани бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўн кун муддатда маъқулланган хulosha ва тегишли ҳужжатларни вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши киритилган тақлифни кўриб чиқади ва натижаси юзасидан қарор қабул қиласди. Қабул қилинган қарор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этилади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Вазирлар Маҳкамасига ўн кун муддатда маъмурий-худудий тузилиш масалаларига оид илтимосномани, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши қарорини, худудий комиссиянинг хulosаси ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан маъмурий-худудий тузилиши масалалари бўйича қўйидаги таклифлар тайёрланади ва худудий комиссияга давлат экспертизасидан ўтказиш учун киритилади:

Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва қўчириш;

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларни ва шаҳарларда туманларни тузиш ҳамда тугатиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг туман бўйсунувидаги шаҳарларини Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарлар тоифасига киритиш.

Худудий комиссия томонидан маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклиф экспертизадан ўтказилади, натижаси юзасидан хulosha қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига тақдим этилади.

Таклиф ва илтимосномаларда келтирилган маълумотларни қўшимча ўр-

ганиш талаб этилган ҳолларда, ҳудудий комиссия давлат экспертизасини бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ўн кун муддатда маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига оид таклифни, ҳудудий комиссиянинг холосаси ва бошка тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси туман ҳокимларни томонидан маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича қўйидаги таклифлар тайёрланади ва ҳудудий комиссияга давлат экспертизасидан ўтказиш учун киритилади:

шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

вилоят туманларининг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш;

қишлоқлар ва овулларни шаҳарчалар тоифасига киритиши.

Ҳудудий комиссия томонидан маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклиф экспертизадан ўтказилади, натижаси юзасидан холоса қабул қилиниб, туман ҳокимлигига тақдим этилади.

Таклиф ва илтимосномаларда келтирилган маълумотларни қўшимча ёрганиш талаб этилган ҳолларда, ҳудудий комиссия давлат экспертизаси бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

Туман ҳокими ўн кун муддатда маъқулланган холоса ва тегишли ҳужжатларни туман ҳалқ депутатлари Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

Туман ҳалқ депутатлари Кенгаши киритилган таклифни кўриб чиқади ва натижаси юзасидан қарор қабул қиласди. Қабул қилинган қарор туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этилади.

Туман ҳокими ҳалқ депутатлари вилюят Кенгашига ўн кун муддатда маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига оид илтимосномани, туман ҳалқ депутатлари Кенгаши қарорини, туман ҳудудий комиссиясининг холосаси ва бошка тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Ҳалқ депутатлари вилюят Кенгаши тегишли туман ҳокимининг илтимосномасини илтимоснома келиб тушганидан кейин ўттиз кун ичидаги чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

24. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимларни томонидан маъмурий-ҳудудий тузилиши масалалари бўйича тегишинча қўйидаги таклифлар тайёрланади ва ҳудудий комиссияга давлат экспертизасидан ўтказиш учун киритилади:

Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидаги шаҳарларни, шаҳарчаларни, қишлоқларни ва овулларни тузиш ҳамда тугатиш ва уларнинг чегараларини ўзгартириш;

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш;

Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқлари ва овулларини шаҳарчалар тоифасига киритиши.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси бўйсунувидаги шаҳарларнинг ва шаҳарларда туманларнинг чегараларини ўзгартириш;

Қорақалпоғистон Республикасида туман бўйсунувидағи шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг чегараларини ўзгартириш;

Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳарчаларини туман бўйсунувидағи шаҳарлар тоифасига киритиш.

Худудий комиссия томонидан маъмурий-худудий тузилиш масалалари бўйича келиб тушган таклиф экспертизадан ўтказилади, натижаси юзасидан хulosha қабул қилиниб, туман ҳокимлигига тақдим этилади.

Таклиф ва илтимосномаларда келтирилган маълумотларни қўшимча ўрганиш талаб этилган ҳолларда, худудий комиссия экспертизани бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

Туман ҳокими ўн кун муддатда маъқулланган хulosha ва тегишли ҳужжатларни туман ҳалқ депутатлари Кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

Туман ҳалқ депутатлари Кенгаши киритилган таклифни кўриб чиқади ва натижаси юзасидан қарор қабул қиласди. Қабул қилинган қарор туман, шаҳар ҳокимлигига тақдим этилади.

Туман ҳокими Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ўн кун муддатда маъмурий-худудий тузилиш масалаларига оид илтимосномани, туман ҳалқ депутатлари Кенгаши қарорини, туман худудий комиссиясининг хulosаси ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тегишли туман ҳокимининг илтимосномаси келиб тушган санадан бошлаб ўттиз кун ичida кўриб чиқади ва уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Илтимоснома маъқулланган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўн кун ичida таклиф тайёрлайди ҳамда маъмурий-худудий тузилиш масалаларига оид илтимосномани, туман ҳалқ депутатлари Кенгаши қарорини, туман худудий комиссиясининг хulosасини бошқа тегишли ҳужжатлар билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига кўриб чиқиш учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифини кўриб чиқади ва натижаси юзасидан тегишли қарор қабул қиласди.

25. Маъмурий-худудий тузилиши масалаларига доир таклиф ва илтимосномалар кўриб чиқилиб, хulosha берувчилар томонидан салбий хulosha тақдим этилган тақдирда, тақдим этилган йиғма материаллар тўпламини тегишинча маъмурий ҳудудий тузилиш масалалари бўйича таклиф ёки илтимоснома тайёрлаган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимлигига маромига етказиш учун қайтарилади.

6-боб. Якунловчи қоида

26. Худудий комиссияни тугатиш ёки қайта тузиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

447 Олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, иш берувчи корхона ва ташкилотларни таълим жараёнига жалб этиш ҳамда олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини тако-миллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. 2025 йил 1 январдан бошлаб олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини (кейинги ўринларда — аттестация) иш берувчи корхона ва ташкилотларда ҳам ташкил этиш амалиёти жорий қилинсин.

2. Кўйидагилар:

Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

диплом лойиҳаси ҳамда битирув малакавий иши ҳимоя қилинадиган ба-калавриат таълим йўналишлари рўйхати таълим соҳаларининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Бунда диплом лойиҳаси ва битирув малакавий иши ҳимоя қилинмайдиган бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига уларнинг хоҳишидан келиб чиқиб, диплом лойиҳаси ёки битирув малакавий иши ҳимоя қилинишига рухсат берилади;

якуний давлат аттестация комиссияси аъзолигига жалб этилган мутахассисларга қонунчилик хужжатларига мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари асосида ҳақ тўланади ҳамда уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари саклаб қолинади;

касбий таълим ташкилотлари битирувчилари компетенциясини кўргазмали-амалий имтиҳон шаклида баҳолашда талаб этиладиган хомашё ва ёнилғи мойлаш материалларини харид қилиш билан боғлиқ харажатлар тегишли таълим ташкилотларига республика бюджетидан ажратилган маблағлар, тўлов-контракт ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан молиялаштирилади.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

иш берувчи корхона ва ташкилотларни олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг билими, кўникмаси ва малакасини баҳолаш жараёнларига фаол жалб этсин;

олий ва касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг аттестациясини ташкил этишда иш берувчи корхона ва ташкилотларга ҳар томонлама услубий жиҳатдан кўмаклашсин ҳамда уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

касбий таълим ташкилотларида аттестацияни ташкил этишдан камида бир ой олдин Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар таклифлари асосида битирувчиларнинг аттестацияси ўтказиладиган корхона ва ташкилотлар ҳамда таълим ташкилотлари рўйхатини тасдиқласин ва эълон қилсин;

2025 йил 1 январдан бошлаб касбий таълим ташкилотлари педагог кадрларининг малакасини ошириш ўқув режаларига «Германия тажрибаси» асосида битирувчиларни баҳолаш бўйича ўқув курсини киритсин.

5. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳар ўқув ўили якунида олий ва касбий таълим ташкилотларида ташкил этиладиган аттестацияга иш берувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари жалб этилишига кўмаклашсин;

ҳар ўқув ўили 1 ноябрга қадар касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг кўргазмали-амалий имтиҳонлари ўтказиладиган ташкилотлар бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига таклифлар киритсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлilar ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 13 декабрь,
836-сон

Вазирлар Мажкамасининг
2024 йил 13 декабрдаги 836-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний
давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

битирувчи — тегишли ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирган, ўқиши даврида тўплаши лозим бўлган кредитларни тўлиқ тўплаган ва амалиётларни муваффақиятли якунлаган олий таълим ташкилоти талабаси;

битирув малакавий иши — олий таълим ташкилоти бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари томонидан ўқишини якунлаш босқичида бажариладиган илмий-назарий иш бўлиб, унда битирувчининг тегишли таълим йўналиши бўйича эгаллаган билими, кўникма ва малакаси баҳоланади;

диплом лойиҳаси — бакалавриат босқичи битирувчиси томонидан ўқишини якунлаш босқичида бажариладиган ҳамда муайян соҳа вазифаларига оид аниқ масаланинг комплекс ечимида (конструкторлик, технологик, ижодий, экспериментал, бадиий) қаратилган иш;

магистрлик диссертацияси — магистратура босқичи битирувчиси томонидан ўқув жараёни давомида бажариладиган, тегишли мутахассисликка (соҳага) оид аниқ илмий-амалий масаланинг (муаммонинг) ечимида қаратилган илмий-тадқиқот иши;

рационализаторлик ғояси — мавжуд жараён, ишлаш усули ёки маҳсулотни такомиллаштиришга қаратилган янги ва самарали таклиф;

стартап лойиҳаси — инновацион ғояга асосланган янги бизнес ташаббуси бўлиб, у илгари бозорда тақдим этилмаган ёки мавжудларидан сезиларли даражада фарқ қиласидаган ноёб маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш бўйича таклиф;

плагиат — бошқа шахснинг илмий, ижодий ёки бошқа турдаги ишларини ўзлаштириб, ўз номидан тақдим этиш;

якуний давлат аттестацияси (кейинги ўринларда — аттестация) — бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги битирувчиларининг билими, кўникма ва малака даражасини баҳолаш жараёни;

якуний давлат аттестация комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия) — бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги битирувчиларининг билими, кўникма ва малака даражасини баҳоловчи соҳа мутахассисларидан иборат комиссия.

3. Аттестация олий таълим ташкилотидаги ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги (кейинги ўринларда — таълим йўналиши ва мутахассислик) бўйича ташкил этиладиган комиссия томонидан

таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, олий таълим ташкилотида ёки корхонада (ташкилотда) ўтказилиши мумкин.

4. Диплом лойихаси ҳамда битирув малакавий иши ҳимоя қилинадиган таълим йўналишлари рўйхати таълим соҳаларининг хусусиятларидан келиб чиқсан холда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

5. Аттестация қўйидаги шаклларда ўтказилиши мумкин:

хорижий тил бўйича (олий таълим ташкилоти Кенгаши қарорига асосан ўтказилиши мумкин) синов;

махсус (мажбурий) фанлар (касбий-амалий фанлар, тиббиёт олий таълим ташкилотлари учун икки босқичли клиниколди ва клиник фанлар) бўйича синов;

битирув малакавий иши ҳимояси;

диплом лойихаси ҳимояси;

магистрлик диссертацияси ҳимояси;

таълим йўналиши ва мутахассисликка мос «стартап» лойихаси ҳамда рационализаторлик ғояси тақдимоти. Бунда:

«стартап» лойихаси муаллифи (ҳаммуаллифи) ўқиш даврида (бакалавриат ёки магистратура) тегишли давлат органи томонидан эълон қилинган танлов якунларига кўра ғолиб деб топилган бўлиши;

рационализаторлик ғояси муаллифи (ҳаммуаллифи) томонидан таклиф этилган ғоя ўқиш даврида (бакалавриат ёки магистратура) камида учта корхона (ташкилот) томонидан амалиётга жорий қилинган ва унинг иқтисодий ёки ижтимоий самара берганлиги бўйича мазкур корхона (ташкилот) томонидан далолатнома расмийлаштирилган бўлиши лозим.

6. Заруратга кўра, хорижий тил бўйича аттестация олий таълим ташкилоти Кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилади.

Бунда хорижий тил бўйича камида В2 даражадаги (филология йўналишлари бўйича камида С1 даражадаги) миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга битирувчилар хорижий тил бўйича аттестациядан озод этилади.

Хорижий тил бўйича аттестация мазкур фаннинг ўқув дастурларида назарда тутилган материалларнинг битирувчи томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилади.

7. Таълим йўналиши ва мутахассислик бўйича махсус (мажбурий) фанлардан (касбий-амалий, клиниколди ва клиник фанлардан) аттестация фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, малака талабларида назарда тутилган билим, кўникма ва малака даражасини аниқлашга йўналтирилади.

2-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиби

8. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширади.

9. Комиссия раислигига номзодлар рўйхати тегишли кафедра мудири то-

монидан шакллантирилади ҳамда тасдиқлаш учун олий таълим ташкилоти ректорига (филиал директорига) тақдим этилади.

10. Комиссия раислари олий таълим ташкилотининг идоравий мансублигидан қатъи назар, ушбу таълим ташкилотида фаолият юритмаётган олимлар, ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибали мутахассислар орасидан тегишли олий таълим ташкилоти ректорининг (филиал директорининг) буйруғи билан бир календарь йили муддатига тасдиқланади.

Комиссиянинг таркиби олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) томонидан битирув семестри бошланишидан камида бир ой олдин тасдиқланади.

Комиссия камида 5 нафар профессор-ўқитувчи ва мутахассислардан иборат таркибда шакллантирилади ҳамда унинг учдан икки қисми қатнашганда, ваколатли ҳисобланади.

Бунда комиссия таркиби мутахассис тайёрловчи олий таълим ташкилотининг илмий-педагог кадрлари (аттестация комиссияси умумий таркибининг 40 фоизигача), шунингдек, кадрлар буюртмачиси бўлган корхоналарнинг (ташкилотларнинг) юқори малакали мутахассислари, турдош олий таълим ташкилотларининг етакчи профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари, соҳанинг илгор мутахассислари ва олимларидан иборат бўлади.

Бир кишининг кетма-кет бир олий таълим ташкилотида икки мартадан ортиқ комиссия раиси бўлишига йўл қўйилмайди.

Комиссия аъзолигига жалб этилган мутахассисларга қонунчилик хужжатларига мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари асосида ҳақ тўланади ҳамда уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақлари сақлаб қолинади.

11. Қўйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

битирувчининг билим, кўнирма ва малака даражасининг тегишли таълим йўналиши ва мутахассислик малака талабларига мувофиқлигини комплекс баҳолаш;

аттестация натижалари бўйича битирувчиларга тегишли академик дараҷасини бериш бўйича қарор қабул қилиш;

фаолият натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

12. Аттестацияда олий таълим ташкилотининг Васийлик (Кузатув, Бошқарув) кенгashi ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг қонуний вакиллари ҳамда кадрлар буюртмачилари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Аттестация жараёни онлайн режимда овозли видеотрансляция қилинади ҳамда ушбу видеотасвирлар бир йил давомида тегишли кафедрада сақланади.

13. Зарурат бўлганда, битта раис раҳбарлигида бир нечта аттестация комиссиялари тузилади.

Аттестация жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Олий таълим ташкилотининг давлат аккредитациясидан ўтмаган таълим

йўналиши ва мутахассисликлар битирувчиларининг аттестацияси ушбу олий таълим ташкилотининг юқори турувчи вазирлиги (идораси) руҳсати билан ташкил этиладиган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

3-боб. Аттестацияни ўтказиш тартиби

14. Битирувчилар ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ аттестациядан ўтказилади.

15. Аттестацияга тегишли фанларни ўзлаштирган, белгиланган кредитларни тўплаган ҳамда тўлов-контракт шартларини тўлиқ бажарган битирувчилар қўйилади.

Битирувчилар ўқув юкламаларини тўлиқ бажаргандан сўнг аттестациядан ўтиши мажбурий хисобланади.

16. Битирувчиларнинг маҳсус (мажбурий) фанлар (касбий-амалий, клиниколди ва клиник фанлар) бўйича аттестацияси, диплом лойиҳаси (битирув малакавий иши) ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси олий таълим ташкилоти ёхуд корхонада (ташкилотда) ташкил этилади.

17. Олий таълим ташкилоти Кенгashi ҳар йили 31 октябрга қадар аттестация олий таълим ташкилотида ёки корхонада (ташкилотда) ташкил этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликларга мос маҳсус (мажбурий) фанлар (касбий-амалий, клиниколди ва клиник фанлар) рўйхатини тасдиқлайди ва аттестациядан камида олти ой олдин олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида эълон қиласди.

Олий таълим ташкилоти ўз битирувчиларининг аттестациядан ўтказиш юзасидан мос корхоналар (ташкилотлар) билан ҳамкорлик шартномасини ҳар йили ноябрь ойида имзолайди.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ таълим йўналиши ва мутахассисликларнинг аттестацияси корхонада (ташкилотда) ташкил этилганда битирувчилар ва комиссияни зарур жиҳозлар, ўлчов воситалари, техник ҳужжатлар, хомашё ва материаллар билан таъминлашга корхона (ташкилот) раҳбарлари масъул хисобланади.

18. Аттестацияда хорижий тил ва маҳсус (мажбурий) фанлар бўйича синовлар ёзма ёки тест ёхуд оғзаки шаклда ташкил этилади. Аттестация алоҳида иқтидор талаб этиладиган ва тиббиёт таълим соҳаси учун амалий шаклда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Хорижий тил ва маҳсус (мажбурий) фанлар бўйича ўтказиладиган синовлар шакли олий таълим ташкилоти Кенгашининг қарори асосида таълим ташкилоти ректори (филиал директори) томонидан белгиланади ҳамда аттестация бошланишидан олти ой олдин битирувчилар эътиборига етказилади.

Битирув малакавий ишининг мавзулари битирув семестри бошлангунига қадар олий таълим ташкилоти Кенгашининг қарори билан тасдиқланади.

Битирувчилар аттестациядан олдин тегишли фанлар бўйича дастурлар билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да эълон қилинган.

19. Олий таълим ташкилоти томонидан тажрибали профессор-ўқитувчилар ҳамда корхоналарнинг (ташкилотларнинг) мутахассисларини жалб этган ҳолда, аттестациянинг дастурлари аттестация бошланишидан камида уч ой олдин ишлаб чиқилиб, олий таълим ташкилоти Кенгаши томонидан тасдиқланади ва олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

20. Аттестация ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган муддатларда, факультет декани ёки ўқув-услубий ишларга масъул таркибий бўлинма (бўлим, бошқарма) томонидан тайёрланган ҳамда олий таълим ташкилоти ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланган аттестация жадвали асосида ўтказилади.

21. Олий таълим ташкилоти Кенгашининг қарори билан битирувчи учун белгиланган аттестациянинг шакли бир ўқув йили давомида ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

22. Аттестация бошланишидан икки ҳафта олдин комиссия раиси билан олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) комиссиянинг тайёргарлик даражаси, комиссия раиси ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом масалалари юзасидан ўйниш ўтказади.

23. Аттестация комиссиянинг очиқ мажлисларида ўтказилади.

24. Битирувчилар аттестация бошланган кундан таълим йўналиши ва мутахассисликка мос «стартап» лойиҳаси, рационализаторлик фояси бўйича тегишли ҳужжатларни (тақдимотни) комиссияга тақдим этишлари лозим.

Бунда комиссия томонидан «стартап» лойиҳаси ва рационализаторлик фоясини тегишли ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келиши бўйича хулоса қилинади ҳамда битирувчи белгиланган тартибда баҳоланади.

Белгиланган талабларга мос келмаган «стартап» лойиҳаси ёки рационализаторлик фояси баҳоланмайди ва битирувчи аттестацияни қайта топширишга қолдирилади.

25. Аттестацияда плагиатга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолат аниқланганда, аттестация комиссияси томонидан битирувчига тегишли аттестациядан қониқарсиз баҳо қўйилади ёки қўйилган ижобий баҳо бекор қилинади.

Битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси ҳимоядан икки ҳафта олдин антиплагиат дастури асосида текширилади ва плагиатга йўл қўйилганлиги аниқланса, такроран бир маротаба қайта текширишдан ўтказишга рухсат берилади. Иккинчи маротаба ҳам плагиат ҳолатлари бартараф этилмаган тақдирда, аттестация кейинги йилга қолдирилади.

Бунда плагиат ҳолатлари бартараф этилган тақдирда, битирувчига аттестацияда қатнашишга рухсат берилади.

Олий таълим ташкилотида ўрнатиладиган антиплагиат дастури олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан харид қилинади ва у қўйидаги талабларга жавоб бериши талаб этилади:

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ва «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонунлари талабларига жавоб бериши;

ўзбек, қорақалпок, рус, инглиз ва бошқа тиллардаги матнларни плагиат текшириш имкониятининг мавжудлиги;

фойдаланувчи учун тизимнинг камида ўзбек, қорақалпок, рус ва инглиз тилларида йўриқномаси мавжудлиги;

кўчирилган маълумотлар қайси манбалардан олинганини аниқ ифодалаб бера олиши;

ишлардаги маълумотларни билвосита, яъни мазмуни ўзгартирилмасдан сўз ва иборалар алмаштирилиб баён қилинган матнлардаги кўчирмачиликни аниқлаш тизими жорий этилганлиги;

сунъий интеллект технологиялари асосида генерация қилинадиган матнларни аниқлаш имкониятининг мавжудлиги;

халқаро эътироф этилган базалар билан боғланганлиги, маълумотлар базасида турли тиллардаги манбалар, жумладан, маҳсус маълумотлар базалари, халқаро илмий нашриётлар, кутубхоналар тўпламларининг мавжудлиги;

миллий илмий нашрлар базасига ва зарур ҳолларда бошқа тизимларга интеграция қилиш имкониятининг мавжудлиги;

ишларни текшириш натижасида матн таҳлилига доир тўлиқ ҳисботни ва белгиланган намунашаги хулосани (сертификатни) тақдим этиш имкониятининг мавжудлиги.

26. Аттестацияда битирувчиларнинг билими, қўникма ва малакаси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

27. Аттестация натижалари аттестация ўтказилган куннинг ўзида битирувчиларга эълон қилинади.

28. Аттестацияда битирувчи қониқарсиз баҳо билан баҳолангандага битирувчига диплом берилмайди ҳамда аттестацияни мазкур Низомга мувофиқ қайта топширади.

29. Комиссия битирувчиларга аттестациянинг ижобий натижалари асосида бакалавр (магистр) даражасини бериш ҳақида қарор қабул қиласи.

Комиссиянинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлган ҳолларда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

30. Олий таълим ташкилоти битирувчиси аттестациядан муваффақиятли ўтгандан сўнг бир ой муддат ичидаги унга мувофиқ даражадаги олий маълумот тўғрисидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Ўқув режасидаги барча фанларнинг камида тўртдан уч қисми бўйича «5» (аъло) баҳо (90 — 100 балл) ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи «4» (яхши) баҳодан (70 — 89,9 балл) кам бўлмаган), шунингдек, аттестациядан «5» (аъло) баҳо (90 — 100 балл) кўрсаткичига эга бўлган бакалавриат битирувчисига «имтиёзли» диплом берилади.

31. Аттестациядан ўта олмаган ёки аттестацияга қўйилмаган битирувчи ўқиш муддати тугагандан сўнг, унинг аризасига мувофиқ аттестацияни кейинги уч йил давомида қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Аттестациядан ўта олмаган битирувчидан аттестацияни қайта топшириш жараёнларида тўлов ундирилмайди.

Аттестациядан ўта олмаган битирувчи кейинги ўқув йили бошлангани-

дан кейин аттестацияни қайта топширишга рухсат беришни сўраб олий таълим ташкилоти ректори (филиал директори) номига ариза билан мурожаат қилади. Бунда битирувчига аттестацияни кейинги ҳар бир ўкув йилида (уч йил давомида) икки мартадан ортиқ қайта топширишга йўл қўйилмайди.

Аттестацияни қайта топширишга олий таълим ташкилоти ректорининг (филиал директорининг) бўйруғи билан рухсат берилади.

32. Аттестациядан кейинги уч йил давомида қайта ўта олмаган битирувчига академик маълумотнома берилади ва у белгиланган тартибда, тўлов-контракт асосида тегишли битирув курсига ўқиш учун қайта тикланади.

33. Узрли сабаб билан аттестацияга келмаган битирувчилар олий таълим ташкилоти ректорининг (филиал директорининг) бўйруғи билан комиссиянинг иши якунланишига қадар бошқа муддатларда ўтказиладиган аттестацияга киритилади.

34. Комиссиянинг иши бўйича йиллик ҳисобот олий таълим ташкилоти Кенгашида кўриб чиқилади. Мазкур Кенгаш йиғилишига комиссия раиси таклиф қилинади.

4-боб. Аттестацияни баҳолаш натижалари юзасидан шикоят қилиш тартиби

35. Аттестация натижаси бўйича олган баҳосидан норози бўлган битирувчилар аризаларини кўриб чиқиш учун олий таълим ташкилоти ректорининг (филиал директорининг) бўйруғи билан апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси олий таълим ташкилотининг илмий-педагогик кадрлари (апелляция комиссияси умумий таркибининг 40 фоизигача), шунингдек, тегишли соҳа бўйича корхоналарнинг (ташкилотларнинг) малакали мутахассислари, турдош олий таълим ташкилотларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари орасидан камида 5 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси таркибига жорий йилда комиссия ишида иштирок этган комиссия аъзолари киритилмайди.

36. Аттестацияда қўйилган баҳодан норози бўлган битирувчилар аттестация баҳолари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичida апелляция комиссиясига мурожаат қилиш хуқуқига эга.

37. Апелляция комиссияси шикоятни бир кун ичida кўриб чиқади ҳамда натижаси бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни асосли деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш тўғрисида;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

38. Апелляция комиссияси қабул қилган қарори нусхасини шу куннинг ўзида битирувчига тақдим қилади.

39. Битирувчи комиссиянинг шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоида

40. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 13 декабрдаги 836-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний
давлат аттестациясини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини (кейинги ўринларда — аттестация) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

битирувчи — тегишли ўқув режасидаги фанларни ўзлаштирган ва амалиётларни муваффақиятли якунлаган касбий таълим ташкилоти ўқувчиси;

давлат имтиҳони — касбий таълим ташкилоти битирувчисининг касбий (мутахассислик) ва/ёки белгиланган фанлар бўйича назарий билимларини баҳолаш жараёни;

кўргазмали-амалий имтиҳон — касбий таълим ташкилоти битирувчисининг билими, кўникма ва малакаларини амалий топшириқлар асосида баҳолаш жараёни;

якуний давлат аттестацияси (кейинги ўринларда — аттестация) — касбий таълим ташкилоти битирувчисининг билими, кўникма ва малака даражасини баҳолаш жараёни;

якуний давлат аттестацияси комиссияси — касбий таълим ташкилотларида битирувчиларни билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш мақсадида касблар (мутахассисликлар) бўйича корхона (ташкилот) вакиллари ҳамда соҳа мутахассисларидан тузиладиган комиссия.

3. Аттестациянинг асосий мақсади касбий таълим ташкилоти битирувчиларининг билими, кўникма ва малака даражасини (касбий компетенцияларини) касбларнинг (мутахассисликларнинг) таълим дастурларига мувофиқлиги ни комплекс баҳолашдан иборат.

4. Аттестация давлат имтиҳонлари ва кўргазмали-амалий имтиҳонлар шаклида ўтказилади.

5. Давлат имтиҳонлари:

бошлангич касбий таълим бўйича — Ўзбекистон тарихи фани ва касбий фанлардан тест шаклида;

ўрта ва ўрта махсус касбий таълим бўйича — касбий фанлардан тест шаклида ўтказилади.

Касбий фанларга ўқув режасидаги умумкасбий фанлар, махсус фанлар ёки мутахассислик фанлари киради.

6. Кўргазмали-амалий имтиҳонда битирувчи касбий таълим ташкилотида ёки корхонада (ташкилотда) тегишли касб (мутахассислик) бўйича компетенцияларни эгаллаганлик даражасини амалий топшириқларни бажариш орқали кўрсатиб беради.

7. Дуал таълим шаклида таълим олган битирувчиларнинг кўргазмали-амалий имтиҳон жараёнлари дуал таълим ташкил этилган корхона (ташкилот) томонидан ташкил этилади.

Бунда корхона (ташкилот) томонидан битирувчиларнинг кўргазмали-амалий имтиҳон натижалари юзасидан тайёрланган ҳисоботлар касбий таълим ташкилотига тақдим этилади.

8. Аттестацияни ўтказиш жадвали корхоналар (ташкилотлар) билан келишилган ҳолда аттестация бошланишидан камида ўттиз кун олдин касбий таълим ташкилоти директори буйруғи билан тасдиқланади.

Аттестацияни ўтказиш жадвали касбий таълим ташкилотининг расмий веб-сайти ёки ижтимоий тармоқлардаги саҳифаси орқали эълон қилинади.

9. Давлат имтиҳонлари касбларнинг (мутахассисликларнинг) ўқув дастурларида назарда тутилган материалларни ўзлаштириш даражасини аниқлашга қаратилади.

2-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш тартиби

10. Аттестация касбий таълим ташкилотидаги касблар (мутахассисликлар) бўйича ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссияси (кеёйинги ўринларда — комиссия) томонидан ўтказилади.

11. Аттестацияни ўтказиш учун касблар (мутахассисликлар) бўйича комиссиялар касбий таълим ташкилотидаги ўқувчилар сонига мувофиқ ташкил этилади.

12. Комиссия таркиби аттестация бошланишидан камида бир ой олдин Қорақалпоғистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари бошликлари буйруғи билан бир ўқув йилига тасдиқланади.

Комиссиянинг таркиби камида 5 нафардан иборат бўлиб, унинг учдан икки қисми қатнашганда, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия таркибининг камида 50 фоизи корхоналар (ташкилотлар) вакилларидан иборат бўлади.

13. Комиссия ҳар йили аттестацияни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш давридан бошлаб кейинги ўқув йили бошлангунга қадар фаолият кўрсатади.

Битирувчи гурухлар сонига қараб, комиссия фаолияти йил давомида ташкил этилиши мумкин.

14. Комиссия раиси комиссия фаолиятини ташкил қиласиди, назорат қиласиди, унинг хулосалари ва қарорларини имзолайди.

Комиссия раиси аттестацияни ўз вақтида, сифатли ва шаффоғ ўтказилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бир киши кетма-кет бир касбий таълим ташкилотида тегишли касблар (мутахассисликлар) бўйича икки мартадан ортиқ комиссия раиси бўлишига йўл қўйилмайди.

15. Аттестация ишида корхоналар (ташкилотлар) аъзолари иштирок этганда, уларнинг асосий иш жойидаги иш ҳақи сақланиб қолади.

16. Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:
битирувчиларнинг билими, кўнижмаси ва малакасини (касбий компетенцияларини) касбларнинг (мутахассисликларнинг) таълим дастурлари талабларига мувофиқлигини комплекс баҳолаш;

аттестация натижалари бўйича битирувчиларга бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус касбий таълим даражасини бериш масаласини ҳал этиши;

комиссиянинг яқуний хисботлари ва хуносаларини тайёрлаш;
комиссия фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

17. Касбларнинг (мутахассисликларнинг) тегишли ўқув дастурларини тўлиқ ўзлаштирган битирувчиларга аттестацияда иштирок этишларига рухсат берилади.

18. Ўзбекистон тарихи фанидан ўтказиладиган давлат имтиҳони соҳа бўйича мутахассис ўқитувчилар томонидан ўтказилади. Бунда жалб этиладиган ўқитувчилар давлат имтиҳонига кирувчи ўқувчиларга дарс ўтмаган бўлиши ёки бошқа касбий таълим ташкилотларидан таклиф этилиши лозим.

3-боб. Аттестацияни ўтказиш тартиби

1-§. Аттестацияни ташкил этиш

19. Касбий таълим ташкилотларининг битирувчилари ушбу Низомга иловадаги* схемага мувофиқ аттестациядан ўтказилади.

20. Бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус касбий таълим даражаси бўйича тегишли таълим дастурларида белгиланган талабларни бажарган битирувчи касбий таълим ташкилоти Педагогик кенгашининг қарорига асосан директорнинг буйруғи билан аттестацияга қўйилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ҳар йили 1 ноябрга қадар касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг кўргазмали-амалий имтиҳонлари ташкил қилинадиган корхоналар (ташкилотлар) рўйхатини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этади.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳар йили 1 деқабрга қадар аттестация ўтказиладиган корхоналар (ташкилотлар) рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди.

23. Касбий таълим ташкилотлари битирувчилар аттестациясини ўтказиш

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

юзасидан касб ва мутахассисликка мос корхоналар (ташкилотлар) билан ҳамкорлик шартномасини ҳар йили 1 январга қадар имзолайди.

24. Аттестация бошланишидан бир ҳафта олдин комиссия раиси касбий таълим ташкилоти директори билан биргаликда аттестацияни ўтказиш учун тайёргарлик ҳолатини назоратдан ўтказади.

25. Аттестацияда битирувчиларнинг ота-оналари ҳамда корхоналар (ташкилотлар) вакиллари жамоатчилик асосида кузатувчи сифатида қатнашиши мумкин.

Аттестация жараёнлари ота-оналар ва кузатувчилар учун ажратилган алоҳида кутиш жойига онлайн трансляция қилинади.

26. Аттестация комиссияси ўқув жараёни жадвалига мувофиқ аттестацияни касбий таълим ташкилотидаги ҳар бир касб (мутахассислик) бўйича ўтказади.

Аттестация комиссияси аттестация ўтказилган куннинг ўзида битирувчиларнинг билими, кўнишка ва малака даражасини (касбий компетенцияларини) баҳолайди ҳамда натижаларни эълон қиласди.

27. Битирувчилар аттестацияда «2» (қониқарсиз) баҳо олган тақдирда, тегишли имтиҳонни шу ўқув йилида бир марта қайта топшириш ҳуқуқига эга бўлади.

Қайта топшириш жараёнлари асосий аттестация тугаганидан сўнг ўқувчининг аризасига мувофиқ бир ой ичидан ўтказилади.

Аттестациядан иккинчи марта ҳам ўта олмаган ёки бир йил ичидан аттестацияни қайта топшириш учун мурожаат қилмаган битирувчига аттестацияни қайта топшириш учун, шу жумладан, дуал таълим шаклида таълим олган битирувчига унинг аризасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари томонидан рухсат берилади.

28. Аттестацияни қайта топшириб, қониқарсиз баҳо олиб аттестациядан ўта олмаган битирувчи кейинги ўқув йили якунида аттестацияни қайта топширади. Бунда ўзи тамомлаган касбий таълим ташкилотида таълим олган касб (мутахассислик) бўйича комиссия шаклланмаган бўлса, касби (мутахассислиги) бўйича мос бошқа касбий таълим ташкилотларида (дуал таълим шаклидаги битирувчилар ҳам) аттестацияни топшириши мумкин.

Бошқа касбий таълим ташкилоти аттестацияда иштирок этадиган битирувчининг таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари аттестация ўтказиладиган касбий таълим ташкилотига тақдим этилади.

Аттестациядан ўтган битирувчига комиссия тузилган таълим ташкилоти томонидан касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

29. Касбий таълим ташкилотида белгиланган касбнинг (мутахассисликнинг) ўқув дастурларини тўлиқ тугатган, лекин аттестацияда қатнашмаган ёки ундан ўта олмаган битирувчилар Педагогик кенгаш қарори асосида комиссия фаолиятининг уч йил муддат давомида якуний давлат аттестациясини қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Уч йил давомида аттестациядан ўтмаган шахслар якуний курсни қайтадан ўқиши учун ариза топширишлари мумкин.

30. Аттестациядан ўтган битиувчиларга бир ой муддат ичида касб (мухажислилар) бўйича белгиланган тартибда касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

Халқаро таълим дастурлари жорий этилган гуруҳларда аттестация жараёнлари халқаро таълим дастурларини жорий этган ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Халқаро таълим дастурлари асосида таълим олган ва имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчиларга халқаро таълим дастурлари бўйича диплом (сертификат) ҳамда касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади.

31. Касбий таълим ташкилотлари битиувчилари қўйидаги ҳолларда аттестацияга киритилмайди:

фанлардан академик қарздор ҳисобланганда;

касбий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида таҳсил олиб, ўқиш учун белгиланган тўловни тўлиқ амалга оширилмаганда;

узрсиз сабабларга кўра амалиёт ўтамаган ёки амалиёт учун қониқарсиз баҳо олганда.

32. Узрли сабабларга кўра аттестацияда иштирок эта олмаган битиувчиларга комиссия фаолияти якунига қадар аттестациядан ўтишга рухсат берилади.

33. Ўқув режасида назарда тутилган фанлардан якуний баҳоларининг камида 86 фоизи «5» (аъло) ва қолган фанлардан «4» (яхши) бўлган, якуний аттестациядан «5» (аъло) баҳолар олган, хулқ-автори намунали, жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчиларга имтиёзли диплом берилади.

2-§. Давлат имтиҳонларини ўтказиш

34. Ўзбекистон тарихи фани ва касбий фанлар бўйича касбларнинг (мухажисликларнинг) ўқув дастурларидаги мавзулар доирасида тест топшириклиари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Профессионал таълимни ривожлантириш институти томонидан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда тест жараёнлари бошланишидан икки ой олдин ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Касбий таълим ташкилотларида касбларнинг (мухажисликларнинг) тегишли касбий фанлари бўйича, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битиувчилари қабул қилинган гуруҳларда Ўзбекистон тарихи фанидан давлат имтиҳони тест синовлари шаклида ўтказилади.

35. Тест синовлари ташкил этилиши, холис ва адолатли ўтказилиши ҳамда тест топшириклиари ошкор этилмаслиги учун жавобгарлик комиссия зиммасида бўлади.

36. Тест топшириклиари жами 72 та саволдан иборат бўлиб, топшириклиари бажариш учун 120 дақиқа, белгиланган жавобларни жавоблар ваарақасига кўчириш учун қўшимча 10 дақиқа вақт берилади.

37. Тест ўтказиш жараёнига комиссия умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқитувчилари ва жамоат ташкилотлари вакилларини назоратчи сифатида жалб қиласида.

38. Тест синовлари жараёнида битирувчилар томонидан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, матнлар, жавоблар ёзилган варақалар, мобил телефонлар ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Тест синовларини ўтказиш қоидаларига риоя қилмаган битирувчилар бу хақда далолатнома тузган ҳолда тест синовларидан четлаштирилади.

39. Тест топшириқларини якуний баҳолашда комиссия тўғри бажарилган топшириқларнинг 90 — 100 фоизи учун «5» баҳо (аъло), 70 — 89,9 фоизи учун «4» баҳо (яхши), 60 — 69,9 фоизи учун «3» баҳо (қониқарли), тўғри бажарилган топшириқларнинг 60 фоизидан паст кўрсаткичлари учун «2» баҳо (қониқарсиз) қўйилади.

40. Тест синовлари техник имкониятлари бўлган касбий таълим ташкилотларида компьютер орқали маҳсус ахборот тизимлари ёрдамида ташкил этилиши мумкин. Бунда тест топшириқлари сони ва ажратиладиган вақт ҳамда баҳолаш мезонлари ушбу Низом талаблари асосида тартибга солинади.

3-§. Кўргазмали-амалий имтиҳонни ўтказиш

41. Кўргазмали-амалий имтиҳон орқали касбий таълим ташкилоти ўқувчиликларининг эгаллаётган квалификацияси бўйича касбий компетенцияларининг шаклланганлик даражаси аниқланади.

42. Кўргазмали-амалий имтиҳон топшириқларининг мазмуни касблар (мутахассисликлар) учун белгиланган касбий компетенциялар, шунингдек, касбий фаолият мазмуни билан боғлиқ кўрсаткичлар асосида белгиланади.

43. Кўргазмали-амалий имтиҳонлар тегишли корхоналарда (ташкилотларда) маҳсус ташкил этиладиган синов майдонларида (симуляцион лабораторияларида) ташкил этилиши мумкин.

Бунда агар корхона (ташкилот) бир нечта бўлса ёки бир корхонада (ташкилотда) кўргазмали-амалий имтиҳонларни ташкил этиш имконияти бўлмаса, касбий таълим ташкилотлари томонидан корхоналар (ташкилотлар) билан келишган ҳолда аниқ корхона (ташкилот) белгиланади.

44. Кўргазмали-амалий имтиҳонлар шартлари ва баҳолаш мезонлари корхоналарнинг (ташкилотларнинг) вакилларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Профессионал таълимни ривожлантириш институти томонидан аттестация бошланишидан иккى ой олдин ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Бунда кўргазмали-амалий имтиҳонларнинг шартлари ўқитилаётган квалификация бўйича касбларнинг (мутахассисликларнинг) тегишли ўқув дастурлари мазмунига мувофиқ тузилади.

45. Кўргазмали-амалий имтиҳон шартларини бажариш муддати ҳар бир касбларнинг (мутахассисликларнинг) мураккаблиги ва хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

46. Кўргазмали-амалий имтиҳонларни ўтказиш учун корхоналар (ташкилотлар) иш жойларини зарур жихозлар, ўлчов воситалари, техник ҳужжатлар, хомашё ва материаллар билан таъминлайди.

Касбий таълим ташкилотларида ўтказиладиган кўргазмали-амалий

имтиҳонларда мазкур касбий таълим ташкилоти учун ажратилган хомашё ва ёқилғи мойлаш материалларидан фойдаланишга рухсат берилади.

47. Кўргазмали-амалий имтиҳонлар бошланишидан олдин комиссия аъзоларидан бири битирувчиларни имтиҳон шартлари, техник шартлар, баҳолаш мезонлари, вақт мөъёрлари ва хавфсизлик қоидалари билан таништиради.

Имтиҳон шартларини бажариш жараёнида ҳар бир битирувчи мустақил равиша амалиётлар кетма-кетлигини аниқлайди.

48. Кўргазмали-амалий имтиҳонлар бўйича баҳолаш қайдномаси комиссия томонидан расмийлаштирилади.

49. Ўзбекистон тарихи фани ва касбий фанлардан тест натижалари ҳамда кўргазмали-амалий имтиҳоннинг баҳолаш қайдномаси асосида комиссия томонидан баённома расмийлаштирилади.

50. Кўргазмали-амалий имтиҳонларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар касбий таълим ташкилотининг тасдиқланган харажатлар сметасида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар, шунингдек, касбий таълим ташкилотининг тўлов-контракт ҳисобидан тушадиган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4-боб. Аттестацияни баҳолаш натижалари юзасидан шикоят қилиш тартиби

51. Аттестацияда олган баҳоларига эътиroz билдирган битирувчиларнинг аризаларини кўриб чиқиши учун касбий таълим ташкилоти директорининг буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

Мазкур буйруқ билан апелляция комиссиясининг таркиби, иш тартиби ва ваколатлари белгиланади ҳамда бу ҳақда аттестация бошланишидан камидан бир кун олдин битирувчилар хабардор қилинади.

Апелляция комиссияси таркибига жорий йилда комиссия таркибida иштирок этган комиссия аъзолари киритилмайди.

52. Аттестацияда қўйилган баҳодан норози бўлган битирувчи аттестация баҳолари эълон қилинганидан кейин уч иш куни ичида апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси уч иш кунида ариза берган битирувчининг шикоятини кўриб чиқади ҳамда натижаси бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

шикоятни асосли деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш тўғрисида;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

Битирувчилар томонидан бошқа кунларда берилган эътиroz ва шикоятлар кўриб чиқилмайди.

Апелляцияни кўриб чиқиши натижаси бўйича баённома апелляция комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Апелляция комиссияси қабул қилган қарори нусхасини шу куннинг ўзида битирувчига тақдим қиласди.

53. Битирувчи апелляцияни кўриб чиқиши натижалари бўйича апелляция комиссияси қароридан норози бўлган тақдирда, апелляция комиссияси қаро-

ри юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

54. Комиссия раиси касбий таълим ташкилоти Педагогик кенгашига таҳлийи ҳисобот тақдим этади.

55. Аттестация бўйича тузилган ҳисоботлар ва материаллар касбий таълим ташкилоти архивида 10 йил давомида сақланади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг мазкур материаллар ҳисобдан чиқарилади.

5-боб. Якунловчи қоида

56. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

448 O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo'llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3581

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo'llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Rais**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 9-noyabr,
34/5-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-dekabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil
 9-noyabrdagi 34/5-son qaroriga
 ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat
 banklarining likvidlilagini favqulodda qo'llab-quvvatlash
 uchun kreditlar ajratish tartibi to'g'risidagi
 NIZOM**

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki (bundan buyon matnda Markaziy bank deb yuritiladi) tomonidan to'lovlar uzluksizligi va bank tizimi barqarorligini ta'minlash maqsadida tijorat banklarining (bundan buyon matnda bank deb yuritiladi) likvidlilagini favqulodda qo'llab-quvvatlash uchun kreditlar (bundan buyon matnda kredit deb yuritiladi) ajratish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

maqbul aktivlar — kredit uchun bank tomonidan garov predmeti sifatida taqdim etiladigan hamda Markaziy bank tomonidan qabul qilinadigan aktivlar;

likvidlilikni tiklash rejasи — bank tomonidan kreditni o'z vaqtida qaytarish va likvidlilik holatini tiklash bo'yicha Markaziy bankka taqdim etiladigan chora-tadbirlar rejasи;

tuzatish koeffitsiyenti — kredit, bozor va valyuta tavakkalchiliklarini oldini olish maqsadida Markaziy bank tomonidan belgilanadigan maqbul aktivlarning bozor narxlari bilan kredit summasi o'rtasidagi nisbatni bildiruvchi 0 dan 1 gacha bo'lgan oraliqdagi raqamli ko'rsatkich.

2. Markaziy bank bankda likvidlilikning vaqtinchalik taqchilligi yuzaga kelgan hollarda to'lovlar uzluksizligi va bank tizimi barqarorligini ta'minlashda so'nggi chora sifatida to'lovga qobiliyatli va barqaror bo'lgan bankka maqbul aktivlar garovi asosida kredit taqdim etishi mumkin.

Bunda:

to'lovga qibiliyatli bank — aktivlar sifati bo'yicha ehtimoliy yo'qotishlarni hisobga olgan holda o'tkazilgan stress-test natijasiga ko'ra kelgusi 6 oy davomida prudensial talablarga muvofiq kapital yetarilik darajasini saqlab qolishi yoki uni tiklashi kutilayotgan bank;

barqaror bank — bankni rivojlantirish strategiyasi yoki biznes-rejasiga asosan amalga oshirilgan tahlillar natijasiga ko'ra kelgusi uch yil davomida belgilangan moliyaviy ko'rsatkichlarga erishishi hamda barqaror faoliyat yuritishni ta'minlash uchun yetarli darajada foya ko'rib ishlashi kutilayotgan bank;

so'nggi chora — bankning barcha muqobil moliyalashtirish manbalari, shu jumladan depozitlar, banklararo pul bozori va Markaziy bankning likvidlilikni taqdim etish instrumentlaridan foydalanish imkoniyati mavjud bo'lмаган hamda omonatchilar va kreditorlar oldidagi qisqa muddatli majburiyatlarini bajarish

uchun Markaziy bankka kredit olish uchun murojaat qilishdan boshqa chorasi bo‘lmagan holati tushuniladi.

3. Markaziy bank tomonidan kredit bankka milliy valyutada taqdim etiladi.

4. Kreditning foiz stavkasi qaror qabul qilingan sanadagi Markaziy bankning likvidlilikni taqdim etishga doir amaldagi operatsiyalari foiz stavkalaridan kam bo‘lmasligi lozim.

5. Kreditning maksimal miqdori Markaziy bank boshqaruvining qarori bilan belgilanadi.

6. Kredit Markaziy bank tomonidan belgilangan limit doirasida ikki haftagacha bo‘lgan muddatga likvidlilikni tiklash rejasiga pul oqimlari prognoziga asosan kunlik taqdim etib borish orqali ajratiladi. Mazkur ikki haftalik kredit bankning so‘rovnomasiga asosan to‘liq, qisman va (yoki) qo‘sishimcha kredit taqdim etish orqali uch oygacha bo‘lgan muddatga uzaytirib borilishi mumkin.

7. Mamlakatning moliyaviy tizimi barqarorligiga tahdid tug‘ilgan alohida hollarda kredit muddati Markaziy bank boshqaruvi qaroriga asosan nisbatan yuqori foiz stavkada bir yilgacha uzaytirilishi mumkin.

Bunda, mamlakatning moliyaviy tizimi barqarorligiga tahdid tug‘ilgan alohida hollar deganda mamlakatning moliyaviy tizimi yoki uning ma’lum bir qismlarida barqarorlikning izdan chiqishiga va iqtisodiyot uchun jiddiy salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin bo‘lgan moliyaviy xizmatlar ko‘rsatishdagi keng miqyosdagi uzilishlar xavfi nazarda tutiladi.

8. Kredit bank aktivlari bilan to‘liq ta’minlangan bo‘lishi shart.

9. Markaziy bank kreditni bank faoliyatining tavakkalchilik darajasi, bankning umumiyligi moliya tizimi bilan o‘zaro bog‘liqligi, moliyaviy tizim barqarorligiga ta’sir qilishi mumkin bo‘lgan tizimli xatarlar hamda likvidlilikni tiklash rejasiga tahlili asosida taqdim qiladi.

2-bob. Kredit olish uchun murojaat qilish

10. Bank likvidlilikning vaqtinchalik taqchilligi yuzaga kelgan hollarda to‘lovlarning uzluksizligini ta’minalash maqsadida so‘nggi chora sifatida Markaziy bankka kredit olish uchun murojaat qilishi mumkin.

11. Bank mazkur Nizomning 10-bandida nazarda tutilgan holatda kredit olish uchun likvidlilikning vaqtinchalik taqchilligi holatini batafsil asoslantirgan holda mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq shakldagi so‘rovnomanasi Markaziy bankka yozma yoki elektron shaklda taqdim etadi.

12. Bankning so‘rovnomasiga quyidagi hujjatlar ilova qilinadi:

кредит олиш ва активларни гаровга qo‘yish to‘g‘risidagi bankning vakolatli boshqaruvining qarori;

mazkur Nizomning 2-ilovasiga* muvofiq shakldagi likvidlilikni tiklash rejasiga; so‘rovnoma yuborilgan sanadan keyingi ikki haftalik davr uchun mazkur Nizomning 3-ilovasiga* muvofiq shakldagi pul oqimlari prognosi;

mazkur Nizomning 4-ilovasiga* muvofiq shaklda kreditga garov predmeti sifatida taqdim etiladigan aktivlar ro‘yxati;

* Ilovalar «Qonunchilik ma’lumatlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

chet el banki tomonidan tashkil etilgan bank uchun chet el banking ushbu bankka likvidlilik taqdim eta olmasligi to‘g‘risidagi ma’lumot.

13. Bank tomonidan Markaziy bankka taqdim etiladigan so‘rovnama va unga ilova qilinadigan hujjatlar bank boshqaruvi raisi tomonidan imzolangan bo‘lishi kerak.

14. Bank likvidlilikni tiklash rejasida har bir chora-tadbir bo‘yicha amalga oshiriladigan operatsiyalarning aniq miqdori, moliyalashtirish manbasi va muddatini ko‘rsatadi. Likvidlilikni tiklash rejasiga kreditdan foydalanish davrida har oyda oy yakuni bo‘yicha yangilanishi lozim.

3-bob. Kredit bo‘yicha garov predmetiga nisbatan qo‘yiladigan talablar

15. Kredit bo‘yicha garov predmeti sifatida quyidagi aktivlar qabul qilinadi:
Markaziy bankning xalqaro zaxiralari toifasiga kiruvchi valyuta qimmatliklari;
O‘zbekiston Respublikasining davlat qimmatli qog‘ozlari;
bankning Markaziy bankdagi depozit va boshqa hisobvaraqlaridagi mablag‘lari,
bundan bankning majburiy zaxira hisobvaraqlaridagi mablag‘lari mustasno;

“Qimmatli qog‘ozlar markaziy depozitariysi” aksiyadorlik jamiyatida
(bundan buyon matnda Markaziy depozitariy deb yuritiladi) hisobi yuritiladigan
korporativ va boshqa qimmatli qog‘ozlar, bundan bankning o‘zi yoki unga
aloqador bo‘lgan tashkilotlar tomonidan chiqarilgan korporativ qimmatli
qog‘ozlar mustasno;

bankning kreditlari bo‘yicha talab qilish huquqi (bundan buyon matnda
kredit talablari deb yuritiladi), bundan bankka aloqador shaxslarga bo‘lgan kredit
talablari mustasno;

likvidlilik va umum qabul qilingan xalqaro amaliyot hisobga olingan holda
ro‘yxati Markaziy bank tomonidan belgilanadigan qarz vositalari, shuningdek
kafilliklar va bank kafolatlari;

ko‘chmas mulk.

16. Mazkur Nizomning 15-bandida nazarda tutilgan aktivlar quyidagi
mezonlarga muvofiq bo‘lishi lozim:

kreditni olish uchun murojaat qilgan bankka mulk huquqi asosida tegishli
bo‘lishi;

boshqa majburiyatlar bo‘yicha garovga qo‘yilmagan bo‘lishi.

17. Bank tomonidan garov predmeti sifatida taqdim etilgan kreditlar quyidagi
talablarga mos kelishi zarur:

sifati “standart” deb tasniflangan bo‘lishi;

oxirgi bir yil davomida o‘ttiz kundan ortiq muddati o‘tgan qarzdorlik vujudga
kelmaganligi;

qarzdorning barcha banklardan olingan kreditlari bo‘yicha muddati o‘tgan
qarzdorligi mavjud bo‘lmasligi;

kreditning asosiy shartlari bir marotabadan ortiq uzaytirilmaganligi;

kreditlar milliy valyuta yoki Markaziy bank boshqaruvi tomonidan belgilangan
maqbul chet el valyutalarida ajratilganligi;

kredit shartnomasi kredit bo'yicha garov sifatida taqdim etilgan sanadan kamida bir yil oldin tuzilganligi;

kredit shartnomasi bo'yicha so'nggi asosiy qarz to'lovi Markaziy bankka garov sifatida topshirilgan sanadan kamida bir yil keyin amalga oshirilishi;

kreditlarning boshqa majburiyatlar bo'yicha garov yoki nizo predmeti bo'lmasligi;

garov predmeti sifatida taqdim etilgan jami kreditlar qiymatida bitta qarzdor yoki o'zaro aloqador qarzdorlar guruhiga ajratilgan kreditlarning ulushi 20 foizdan oshmasligi;

kreditlarga garov predmeti sifatida taqdim qilingan aktivlar O'zbekiston Respublikasi hududida joylashganligi;

kreditlar bo'yicha shartnomalar bank va O'zbekiston Respublikasi rezidenti o'rtaida tuzilgan bo'lishi.

18. Overdraft kreditlar, akkreditivlar, lizing shartnomalari va faktoring kredit uchun garov predmeti sifatida qabul qilinmaydi.

19. Garov predmeti sifatida qabul qilingan kreditlar qarzdorlar tomonidan muddatidan avval qisman yoki to'liq qaytarilganda, bank ushbu bobda belgilangan talablarga javob beradigan boshqa aktivlarni 5 ish kuni ichida garov predmeti sifatida Markaziy bankka taqdim etadi.

4-bob. Kredit bo'yicha murojaatni ko'rib chiqish

20. Markaziy bank bankning kredit olish bo'yicha so'rovnomasini u kelib tushgan kundan boshlab 3 bank ish kuni ichida ko'rib chiqadi hamda kreditni ajratish yoki kredit ajratishni rad etish to'g'risida qaror qabul qiladi.

21. Markaziy bank bankning so'rovnomasini ko'rib chiqishda:

bankning holatini baholashni;

bank tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni tahlil qilishni;

bankning kredit bo'yicha garov predmetini baholashni;

bankka taqdim etiladigan kreditning miqdorini aniqlashni;

mazkur Nizomda belgilangan boshqa talablar bajarilishini tekshirishni amalga oshiradi.

22. Bankning holatini baholash Markaziy bank tomonidan uning to'lovga qobiliyatli va barqarorligini aniqlash orqali amalga oshiriladi.

23. Markaziy bank bank tomonidan taqdim etilgan mazkur Nizomning 11 va 12-bandlarida nazarda tutilgan hujjatlarni to'liqligi va to'g'riligini tekshiradi hamda tahlil qiladi.

24. Markaziy bank garov predmeti sifatida taqdim etilgan aktivlardan mazkur Nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq bo'lgan maqbul aktivlarni tanlaydi hamda aktivlar likvidligidan kelib chiqib ularning ustuvorligini belgilaydi.

25. Garov predmeti sifatida taqdim etilgan aktivlar qiymati ularning xususiyatidan kelib chiqib aktivlarning o'zida ko'rsatilgan qiymat (nominal qiymat), bozor qiymati yoki Markaziy bank tomonidan belgilangan qiymatda baholanadi.

Garov predmeti sifatida taqdim etilgan aktivlarga nisbatan Markaziy bank

tomonidan tuzatish koeffitsiyentlari qo'llaniladi. Bunda, garov sifatida qabul qilingan aktivlarning tuzatish koeffitsiyenti qo'llanilgan qiymati kredit bilan bog'liq barcha majburiyatlar qiymatidan kam bo'lmasligi lozim.

26. Kredit bo'yicha mazkur Nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq bo'lgan maqbul aktivlar miqdori ajratiladigan kredit uchun yetarli bo'limgan taqdirda, bank boshqa aktivlarni taqdim etishi mumkin.

27. Markaziy bank kredit talablarini garov predmeti sifatida qabul qilishda tanlanma asosda quyidagi hujjatlarni talab qilishi mumkin:

 kredit shartnomalarining nusxalari;

 kredit shartnomalaridan kelib chiqadigan majburiyatlarni ta'minlash bo'yicha kafillik, garov shartnomalari va (yoki) kafolat nusxalari.

28. Markaziy bank tomonidan bankka taqdim etiladigan kreditning maksimal miqdori bankning omonatchilari va kreditorlari (bundan bankka aloqador shaxslar mustasno) oldidagi majburiyatlaridan kelib chiqib hamda bank tomonidan taqdim etilgan va Markaziy bank tomonidan o'rganib chiqilgan pul oqimlari prognozi asosida hisoblab chiqiladi.

5-bob. Kreditni taqdim etish bo'yicha qaror qabul qilish

29. Bankning kredit ajratish to'g'risidagi so'rovnomasini ko'rib chiqish natijasi bo'yicha bankka kredit ajratish yoki kredit ajratishni rad etish to'g'risida Markaziy bank boshqaruvining qarori qabul qilinadi.

30. Markaziy bank tomonidan quyidagi hollarda bankka kredit ajratishni rad etish to'g'risida qaror qabul qilinadi:

 Markaziy bank tomonidan bankning holatini baholashda mazkur Nizomning 22-bandida belgilangan to'lovga qobiliyatli va barqaror bank mezonlariga muvofiq kelmasligi aniqlanganda;

 bank tomonidan kredit olish uchun mazkur Nizomning 11 va 12-bandida nazarda tutilgan hujjatlar to'liq taqdim etilmaganda;

 bank tomonidan garov predmeti sifatida mazkur Nizomning 3-bobida belgilangan talablarga muvofiq bo'lgan maqbul aktivlar taqdim etilmasa;

 kredit bo'yicha so'rovnoma yuborilgan sanadan oldingi uch oylik davr mobaynida bankka aloqador shaxslar uchun kredit tavakkalchiligining bank birinchi darajali kapitaliga nisbatining eng ko'p miqdoridan oshganligi yoki so'rov yuborilgandan keyingi davrda bankka aloqador shaxslarga kredit ajratilganligi aniqlansa;

 likvidlilik taqchilligi sabablari, kreditdan foydalanish zaruriyati, garov manbalari, likvidlilikni jalg qilish bo'yicha boshqa manbalardan foydalanish imkoniyati yo'qligi, likvidlilikni tiklash rejasи bo'yicha pul oqimlari to'g'risidagi ma'lumotlar va prognozlar asoslantirilmagan bo'lsa;

 Markaziy bank tomonidan kreditni taqdim etish pul-kredit siyosatini amalga oshirishga salbiy ta'sir ko'rsatadi deb baholansa;

 mazkur Nizomda belgilangan boshqa talablar buzilganligi aniqlansa.

31. Mazkur Nizomning 30-bandida ko'rsatilgan bankka kredit ajratishni rad etish to'g'risida qaror qabul qilish uchun asoslar mavjud bo'limganda, Markaziy

bank boshqaruvi tomonidan bankka kreditni ajratish to‘g‘risida qaror qabul qilinadi.

32. Kreditni ajratish to‘g‘risidagi qarorda quyidagilar belgilanadi:
kreditning maksimal miqdori;
kreditni taqdim etish muddati;
kreditning foiz stavkasi;
garov ta’minoti sifatida qabul qilingan maqbul aktivlar ro‘yxati;
Markaziy bank boshqaruvi tomonidan belgilanadigan boshqa shartlar.

33. Markaziy bank tomonidan kreditni ajratish yoki rad etish to‘g‘risida qaror qabul qilingan kundan kechiktirilmasdan bu haqida bankka xabar qilinadi.

Bunda, kreditni ajratish bo‘yicha qaror qabul qilinganda Markaziy bank garov predmeti sifatida qabul qilingan maqbul aktivlar to‘g‘risidagi ma’lumotni bankka mazkur Nizomning 5-ilovasiga* muvofiq yozma yoki elektron shaklda yuboradi.

34. Markaziy bank tomonidan bankka kreditni ajratish to‘g‘risida qaror qabul qilinganda, Markaziy bank bilan bank o‘rtasida qonunchilikda belgilangan tartibda kredit hamda garov shartnomalari rasmiylashtiriladi.

35. Kredit va garov shartnomalari Markaziy bank va bankning vakolat berilgan shaxslari tomonidan imzolanadi.

36. Markaziy bank tomonidan bankka kreditni taqdim etish, qaytarish va ularga hisoblangan foizlar bo‘yicha to‘lovlarni amalga oshirish Markaziy bankning Integrallashgan axborot tahliliy tizimi orqali avtomatlashtirilgan tarzda amalga oshiriladi.

37. Bank kredit ajratilganidan so‘ng har kuni kunlik pul oqimlari hisobotini mazkur Nizomning 6-ilovasiga* muvofiq Markaziy bankka taqdim etib boradi.

6-bob. Garov predmeti bo‘lgan aktivlarni hisobga olish

38. Garov predmeti sifatida qabul qilingan qimmatli qog‘ozlar hisobi Markaziy depozitariy qoidalariga muvofiq amalga oshiriladi.

39. Garov predmeti sifatida qabul qilingan boshqa maqbul aktivlar hisobi Markaziy bankning buxgalteriya hisobi hisobvaraqlari rejasiga muvofiq alohida hisobvaraqlarda aks ettiriladi.

40. Kredit bo‘yicha garov predmeti qiymati xorijiy valyutada bo‘lgan hollarda, ushbu aktivlar bo‘yicha hisob-kitoblar kredit taqdim etilgan kundagi Markaziy bankning rasmiy almashuv kursi bo‘yicha amalga oshiriladi.

41. Markaziy bank garov predmeti sifatida qabul qilingan tegishli maqbul aktivlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni garov reyestrining yagona axborot bazasiga yozuvlar kiritish orqali ro‘yxatdan o‘tkazadi.

42. Bank garov predmeti sifatida qabul qilingan kreditlar sifatining buzilishi va (yoki) qiymatining pasayishiga olib keluvchi har qanday o‘zgarishlar to‘g‘risidagi ma’lumotlarni ular yuzaga kelgan kundan keyingi ish kunidan kechiktirmagan holda Markaziy bankka taqdim etadi. Bunda, bank mazkur Nizomning 19-bandida nazarda utilgan muddatda garov predmetini almashtirishi va (yoki) qo‘sishimcha garov shakllantirishi lozim.

* Ilvalar «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

**7-bob. Garov predmeti sifatida qabul qilinadigan aktivlar
bo'yicha xatarlarni boshqarish choralari**

43. Markaziy bank tomonidan garov predmeti sifatida qabul qilinadigan aktivlar bo'yicha xatarlarni boshqarish choralari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

aktivlarning xatarlilik darajasidan kelib chiqib nominal yoki bozor qiymatiga nisbatan qo'llaniladigan tuzatish koeffitsiyenti;

kredit bo'yicha taqdim etilgan garov predmetining yetarli darajada diversifikatsiyasini ta'minlash maqsadida belgilanadigan konsentratsiya limiti;

kredit tavakkalchiliklarini oldini olish maqsadida qo'shimcha garov talabi.

44. Markaziy bank garov predmeti sifatida qabul qilingan har bir aktiv qiymatidagi ehtimoliy o'zgarishlarni har hafta qayta baholab boradi.

45. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarning davriy baholanishi natijasida ularning qiymati kreditning joriy qoldig'i va hisoblangan foiz to'lovlardan kamligi aniqlangan taqdirda, Markaziy bank ushbu holat yuzasidan bankka xabarnoma yuboradi. Bunda, bank tomonidan bir ish kuni ichida Markaziy bankka garov predmeti sifatida qabul qilish uchun qo'shimcha aktivlar taqdim etilishi lozim.

46. Qo'shimcha garov shakllantirish Markaziy bank bilan bank o'rtasidagi garov shartnomasiga qo'shimcha kiritish orqali amalga oshiriladi.

47. Kredit muddatini davomida ajratiladigan kredit miqdorining ortishi va garov sifatida olingan aktivlar risk darajasining o'zgarishi natijasida Markaziy bank garov predmeti sifatida qo'shimcha aktivlarni talab qilishi mumkin.

48. Markaziy bank bank tomonidan kreditdan foydalanish davrida belgilangan shartlarga riosa etilishini o'rganish hamda taqdim qilingan ma'lumotlarning to'g'riligini baholash maqsadida masofaviy va zarur hollarda, joyiga chiqqan holda qo'shimcha tekshirishlar o'tkazishi mumkin.

8-bob. Kredit muddatini uzaytirish va shartlarini qayta ko'rib chiqish

49. Bank ikki haftalik muddatning oxiriga qadar kredit bo'yicha majburiyatlarini to'liq yoki qisman bajara olmasa va (yoki) yana qo'shimcha kredit olish zarurati mavjud bo'lsa, ushbu muddat tugashidan kamida uch bank ish kuni oldin kreditni ikki haftagacha bo'lgan muddatga uzaytirish to'g'risida Markaziy bankka takroran so'rovnoma yuboradi.

50. Bank kreditning muddatini uzaytirish haqidagi so'rovnomaga mazkur Nizomning 12-bandidagi hujjatlar hamda likvidlilikni tiklash rejasiga asosan amalga oshirilgan ishlar to'g'risidagi ma'lumotni ilova qiladi.

51. Bank tomonidan kredit shartlari va likvidlilikni tiklash rejasiga riosa qilingan taqdirda, kredit Markaziy bank boshqaruvi qarori asosida yana ikki haftagacha bo'lgan muddatga uzaytirilishi mumkin.

Bunda, bank kredit bo'yicha majburiyatlarini to'liq yoki qisman bajara olmasa va (yoki) qo'shimcha kredit olish zarurati mavjud bo'lsa, kredit dastlabki taqdim etilgan sanadan boshlab uch oygacha bo'lgan muddatga qadar takroran taqdim etilishi mumkin.

52. Kredit bankka uch oydan bir yilgacha muddatga mamlakatning moliyaviy tizimi barqarorligiga tahdid tug'ilgan alohida hollarda ushbu Nizomning 49 — 51-bandlarida belgilangan tartibda taqdim etiladi.

53. Markaziy bank tomonidan bankning kredit muddatini uzaytirish haqidagi so'rovnomasini mazkur Nizomga muvofiq kreditni ajratish uchun belgilangan umumiy asoslarda va muddatlarda ko'rib chiqiladi.

54. Kredit muddati uzaytirilganda, kredit va garov shartnomalariga tegishli ravishda o'zgartirishlar va qo'shimchalar kiritiladi.

9-bob. Kredit va garov predmetini qaytarish

55. Kredit bo'yicha majburiyatlarni bajarish muddati kelganda, bank ushbu kredit bo'yicha asosiy qarz va tegishli foiz to'lovlarni, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan boshqa to'lovlarni Markaziy bankka qaytaradi.

56. Bank kredit bo'yicha olingan mablag'larni muddatidan oldin qaytarishi mumkin. Bunda, kredit bo'yicha foiz to'lovlari haqiqatda foydalanilgan davr uchun hisoblanadi.

57. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarni qaytarish kredit bo'yicha majburiyatlar to'liq bajarilgandan so'ng qonunchilik hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladi. Bunda, Markaziy bank garov reyestrining yagona axborot bazasidan garov predmeti sifatida qabul qilingan tegishli aktivlar to'g'risidagi yozuvlarni ro'yxatdan chiqaradi.

58. Bank kreditdan foydalanib bo'lgach hamda kredit bo'yicha barcha majburiyatlarini to'liq bajargandan so'ng takroran kredit olish uchun Markaziy bankka so'rovnoma bilan murojaat qilishi mumkin.

10-bob. Kredit taqdim etishni to'xtatish va undiruvni garov predmetiga qaratish

59. Markaziy bank quyidagi hollarda kredit taqdim etishni to'xtatishga haqli: likvidlilikni tiklash rejasida nazarda tutilgan chora-tadbirlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda;

kredit bo'yicha noto'g'ri hisobotlar taqdim etilganda;

kreditdan likvidlilikni tiklash rejasi hamda pul oqimlari prognoziga muvofiq foydalanilmaganda;

garov predmetini almashtirish va (yoki) qo'shimcha garov shakllantirish shartlariga rioya qilinmaganda;

bank tomonidan kredit bo'yicha to'lovlar o'z vaqtida amalga oshirilmaganda;

Markaziy bank tomonidan bankning kredit muddatini uzaytirish to'g'risidagi so'rovnomasini rad etilganda;

bank tomonidan kredit shartnomasi va (yoki) garov shartnomasining boshqa talablariga rioya qilinmaganda.

60. Markaziy bank tomonidan kredit taqdim etish to'xtatilganda, bank ushbu kredit bo'yicha barcha majburiyatlarni Markaziy bankka qaytarishi shart.

61. Bank kredit bo'yicha barcha majburiyatlarni to'liq qaytarish imkoniyatiga

ega bo‘lmasa, Markaziy bank kredit majburiyatlari bo‘yicha undiruvni quyidagi tartibda amalga oshiradi:

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq banklarning majburiyatlarini undirishda ustuvor huquqdan foydalanish;

qonunchilikda belgilangan tartibda va shartlarda undiruvni garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarga qaratish;

bankning Markaziy bankdagi barcha pul mablag‘lari bo‘yicha talablari va uning kredit bo‘yicha majburiyatlariga nisbatan nettingni qo‘llash.

62. Undiruvni garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarga qaratish qonunchilikda belgilangan tartibda garov shartnomasiga muvofiq amalga oshiriladi. Bunda, qonunchilikda boshqacha tartib belgilangan va (yoki) tomonlar o‘rtasidagi nizolar yuzaga kelgan taqdirda, undiruvni garov predmetiga qaratish sud qaroriga binoan amalga oshiriladi.

63. Bank, Markaziy depozitariy va (yoki) boshqa tegishli muassasa xabarnomani olgan kundan kechiktirmagan holda garov predmetini kredit hamda garov shartnomalari shartlariga muvofiq Markaziy bank tasarrufiga o‘tkazishi lozim.

64. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda realizatsiya qilinadi.

65. Markaziy bank undiruv garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarga qaratilgan kundan kechiktirmasdan bu haqida bankka, Markaziy depozitariyga va (yoki) garov predmeti saqlanadigan boshqa muassasaga xabarnoma yuboradi.

66. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarni sotishdan kelib tushgan pul mablag‘lari kredit bo‘yicha asosiy qarz va tegishli foiz to‘lovlar, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan boshqa to‘lovlar miqdoridan kam bo‘lgan taqdirda, bank yetishmayotgan mablag‘ni kredit shartnomasi shartlariga muvofiq Markaziy bankka to‘lab berishi lozim.

67. Bankning kredit bo‘yicha majburiyatlarini to‘lash qonunchilik hujjatlarida belgilangan ketma-ketlikda amalga oshiriladi.

11-bob. Yakuniy qoidalar

68. Mazkur Nizomda belgilangan talablar buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo‘ladilar.

69. Manfaatdor shaxslar Markaziy bankning qarorlaridan norozi bo‘lgan taqdirda, sudga murojaat qilishlari mumkin.

70. Garov predmeti sifatida qabul qilingan aktivlarni sotishdan kelib tushgan pul mablag‘lari kredit bo‘yicha asosiy qarz va tegishli foiz to‘lovlar, shuningdek shartnomada nazarda tutilgan boshqa to‘lovlar miqdoridan oshgan hollarda, Markaziy bank ortiqcha mablag‘larni kredit shartnomasi shartlariga muvofiq bankka qaytaradi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

449 Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasini tasdiqlash to'g'risida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-dekabrdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3582

O'zbekiston Respublikasining "Rasmiy statistika to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-martdagi PQ-114-son "O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

B. BEGALOV

Toshkent sh.,
2024-yil 5-dekabr,
13-mb-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 5-dekabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-dekabrdan e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi
 direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 13-mb-son
 buyrug'iga
 ILOVA

Bir yillik statistika dasturini hisoblash METODIKASI

Mazkur Metodika O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi (bundan buyon matnda Statistika agentligi deb yuritiladi) tomonidan bir yillik statistika dasturining qiymatini hisoblash, shuningdek statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlarni aniqlash, bir yillik statistika dasturini ishlab chiqish va tasdiqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Metodikada quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

rasmiy statistika — O'zbekiston Respublikasining "Rasmiy statistika to'g'risida"gi Qonunining qoidalariga muvofiq davlat statistika organlari va rasmiy statistikaning boshqa tayyorlovchilar tomonidan tayyorlanadigan hamda tarqatiladigan statistika ma'lumotlaridan iboratdir;

bir yillik statistika dasturi (bundan buyon matnda Statistika dasturi deb yuritiladi) — har bir rasmiy statistikani tayyorlovchi tomonidan ishlab chiqiladigan va tarqatiladigan statistika ma'lumotlarining ularni bajarish davriyiligi hamda muddatlari ko'rsatilgan holdagi ro'yxatini o'z ichiga oladi;

statistika ma'lumotlari — statistika kuzatuvlari natijasida va (yoki) ma'muriy ma'lumotlar asosida tayyorlangan iqtisodiy, demografik, ijtimoiy, moliyaviy, ekologik xususiyatga hamda boshqa xususiyatga ega axborot;

statistika ma'lumotlarini tayyorlash — statistika ma'lumotlarini yig'ish, ularga ishlov berish, ularni umumlashtirish, tahlil qilish, tarqatish va saqlash bilan bog'liq faoliyat;

davlat statistika organlari — Statistika agentligi, Qoraqalpog'iston Respublikasining, viloyatlarning va Toshkent shahrining statistika boshqarmalari, tumanlarning (shaharlarning) statistika bo'limlari.

2. Rasmiy statistika sohasida statistika kuzatuvlarini tashkil etish va o'tkazish, rasmiy statistika ma'lumotlarini shakllantirish va tarqatish har yili Statistika agentligining Statistika kengashi (bundan buyon matnda Statistika kengashi deb yuritiladi) tomonidan tasdiqlanadigan Statistika dasturiga muvofiq amalga oshiriladi.

3. Statistika dasturi quyidagi vazifalarni o'z ichiga oladi:

rasmiy statistikani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash;

rasmiy statistikani tayyorlovchilar tomonidan o'tkazilishi lozim bo'lgan statistika kuzatuvlarini tashkil etish;

ma'muriy ma'lumotlarni tayyorlash va rasmiy statistikani tayyorlovchilarga taqdim etish;

statistika registrlarini ishlab chiqish va yuritish;
rasmiy statistikani tarqatish.

4. Davlat statistika organlarini moliyalashtirish va ularning moddiy-texnika ta'minoti Statistika dasturiga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti mablag'lari hamda qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa manbalar hisobidan amalga oshiriladi.

5. Statistika dasturiga kiritilmagan ishlarni moliyalashtirish mazkur ishlarni bajarish tashhabbusi bilan chiqqan jismoniy va yuridik shaxslarning mablag'lari hisobidan amalga oshiriladi.

2-bob. Statistika dasturining qiymatini hisoblash

6. Mazkur Metodikada Statistika dasturining qiymati deganda Statistika dasturida belgilangan va faqat Statistika agentligi tomonidan bajariladigan statistika ishlarining qiymati nazarda tutiladi.

7. Statistika dasturining qiymati davlat statistika organlari hamda Statistika agentligining Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar institutini (bundan buyon matnda Statistik tadqiqotlar instituti deb yuritiladi) saqlab turish xarajatlari, ya'ni ularning xodimlari mehnatiga haq to'lash xarajatlari va statistika faoliyatini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan boshqa xarajatlar summasini hisoblash yo'li bilan aniqlanadi.

8. Davlat statistika organlari hamda Statistik tadqiqotlar institutining xodimlari mehnatiga haq to'lash xarajatlari qonunchilikda belgilangan lavozim maoshlari, qo'shimcha to'lovlar, ustamalar, shuningdek mukofotlar va kompensatsiya yoki rag'batlantirish xususiyatiga ega boshqa to'lovlarni o'z ichiga oladi.

9. Statistika faoliyatini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan boshqa xarajatlarga Byudjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaga (ro'yxat raqami 2146, 2010-yil 11-oktabr) muvofiq xarajatlar iqtisodiy tasnifining IV guruh xarajatlari bo'yicha davlat statistika organlari hamda Statistik tadqiqotlar instituti tomonidan amalga oshiriladigan xarajatlar kiradi.

10. Statistika dasturining qiymatiga kiritiladigan xarajatlarni hisoblab chiqarishda byudjet sohasidagi qonunchilik hujjatlariga hamda tovar va xizmatlarning davlat tomonidan tartibga solinadigan narxlari va tariflariga amal qilinishi zarrur.

Jumladan:

mehnatga haq to'lash xarajatlari qonunchilik hujjatlarini bilan belgilangan lavozim maoshlari va bazaviy mehnatga haq to'lash stavkalari, ularga qo'shimcha haq to'lash va ustamalar hamda amaldagi namunaviy shtatlar va shtat normativlariga rioya etilgan holda hisoblanadi;

ijtimoiy soliqni to'lash xarajatlari belgilangan stavkalardan va qonunchilik hujjatlariga muvofiq ijtimoiy soliq to'lanadigan barcha to'lov summalaridan kelib chiqqan holda aniqlanadi;

ish beruvchining fuqarolik javobgarligini majburiy sug'urta qilish bo'yicha sug'urta mukofotini to'lash xarajatlari qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda ish beruvchining barcha xodimlarining o'tgan yilgi ish haqining haqiqiy xarajatlaridan kelib chiqqan holda hisoblanadi;

xo'jalik xarajatlari, jumladan kommunal xizmatlar uchun xarajatlar har bir tashkilotga ko'rsatiladigan xizmatga o'tgan hisobot davridagi haqiqiy xarajatdan kelib chiqib yoki belgilangan limit (jismoniy hajmlar) doirasida hamda narx va tariflarni hisobga olgan holda hisoblanadi;

telefon va boshqa telekommunikatsiya xizmatlari xarajatlari abonent raqamlari soni va xizmatlar uchun tasdiqlangan tariflardan kelib chiqib hisoblanadi;

qo'riqlash faoliyati xizmatlarining to'lovi bilan bog'liq xarajatlar mazkur xizmatlarni yetkazib beruvchilarning tariflariga muvofiq aniqlanadi;

tashkilotlarning binolar, inshootlar, transport vositalaridan foydalanish, binolar va transport vositalari, shuningdek boshqa mulk ijarasi bilan bog'liq xarajatlari qonunchilik hujjatlarida belgilangan xarajatlar me'yori, limitlar va natural ko'rsatkichlardan kelib chiqib aniqlanadi;

xizmat safarlariga xarajatlар tashkilotlarning oldiga qo'yilgan vazifalaridan, shuningdek qonunchilik hujjatlarida belgilangan me'yordan kelib chiqqan holda aniqlanadi.

11. Statistika dasturining qiymati Statistika agentligi tomonidan ushbu bobda belgilangan tartibda hisoblab chiqariladi hamda uning to'g'ri hisoblanishi uchun Statistika agentligi javobgar bo'ladi.

12. Statistika dasturining qiymati Statistika dasturida belgilanadi.

3-bob. Rasmiy statistikadan foydalanuvchilarning statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlarni aniqlash

13. Statistika dasturini ishlab chiqish uchun rasmiy statistikadan foydalanuvchilarning (bundan buyon matnda foydalanuvchilar deb yuritiladi) statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlari aniqlanadi.

Statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlarni aniqlashda O'zbekiston Respublikasi Hukumati, respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, xalqaro tashkilotlar, chet el davlatlari, shuningdek jismoniy va yuridik shaxslarning statistika ma'lumotlariga bo'lgan joriy va istiqboldagi ehtiyojlari o'rganiladi.

14. Foydalanuvchilarning statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlarini o'rghanish:

to'g'ridan to'g'ri yoki zamonaviy axborot-kommunikatsiya vositalari (internet, veb-saytlar, ijtimoiy tarmoqlar, pochta aloqasi va boshqalar) orqali kelib tushgan takliflarni tahlil qilish;

Statistika agentligining tarmoq boshqarmalari tomonidan Statistika dasturiga kiritilgan rasmiy statistikaning boshqa tayyorlovchilari va ma'muriy ma'lumotlarni taqdim etuvchilarga bevosita yozma murojaat qilish orqali ularning takliflarni so'rash;

e'lon qilinayotgan statistika ma'lumotlaridan foydalanuvchilarning qoniqish va ishonch darajasini aniqlash bo'yicha Statistika agentligining rasmiy veb-sayti orqali ular o'rtaida onlayn so'rovlar o'tkazish orqali tashkil etiladi.

15. Foydalanuvchilar statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlarini o'rghanish va tahlil qilish jarayonida ular tomonidan so'ralayotgan ma'lumotlarning mazmuni,

doimiyligi, dolzarbliji, respublika va viloyat darajasida muhim ahamiyatga ega ekanligi inobatga olinadi.

4- bob. Statistika dasturi loyihasini ishlab chiqish va tasdiqlash

16. Foydalanuvchilar statistika ma'lumotlariga bo'lgan ehtiyojlarini o'rganish hamda ulardan kelib tushgan takliflarni ko'rib chiqish natijalari asosida har yili 25-oktabrga qadar Statistika agentligi tomonidan kelgusi yil uchun Statistika dasturi loyihasi ishlab chiqiladi.

17. Statistika dasturi loyihasini tayyorlashda rasmiy statistika ma'lumotlarining ishonchhliligi, dolzarbliji va ochiqligi, o'z vaqtida taqdim etilishi hamda foydalanuvchilarning manfaatlari hisobga olinishini ta'minlash maqsadida:

statistika ma'lumotlarining (statistika kuzatuvi shakllari va ma'muriy ma'lumotlar) oqilona tanlash;

respondentlarga hisobot yuklamasini qisqartirish;

statistika ishlarini bajarishda bir-birini takrorlash holatlariga yo'l qo'ymasligi lozim.

18. Statistika dasturi loyihasiga rasmiy statistika ma'lumotlarini tayyorlash bo'yicha ishlarini kiritishda:

foydalanuvchilarga rasmiy statistika ma'lumotlarini taqdim etish muddatlari — respondentlar tomonidan statistika kuzatuvlari shakllarini taqdim etish muddatlardan kelib chiqqan holda ko'rsatkichlarni shakllantirish imkoniyati, jumladan ma'muriy ma'lumotlar manbalari bilan o'zaro solishtirish ishlarini tashkil etish, turli statistika hisoboti shakllaridagi o'zaro bog'liq ma'lumotlarni birlashtirish, olingan ma'lumotlarni qayta ishlash, tahlil etish, umumlashtirish va taqdim etishga tayyorlash uchun ketadigan vaqtini hisobga olgan holda belgilanadi;

statistika ma'lumotlarini tayyorlash va ularning davriyligi — O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy, demografik, ijtimoiy, moliyaviy, ekologik hamda boshqa hodisa va jarayonlar to'g'risida statistika ma'lumotlari bilan ta'minlash ehtiyojlaridan kelib chiqib, amaldagi statistik tasniflash tizimidan foydalanish hamda maxfiylik tamoyillariga rioya etish asosida ushbu jarayonlar to'g'risida yetarli darajada to'liq ma'lumot bilan ta'minlash imkoniyatlarini hisobga olgan holda belgilanadi.

19. Statistika dasturi loyihasi tasdiqlash uchun kiritilishidan oldin unda belgilanadigan Statistika dasturining qiymati Statistika agentligi tomonidan O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilishi lozim.

20. Statistika dasturi loyihasi tasdiqlash uchun Statistika agentligi tomonidan har yili 1-noyabrga qadar Statistika agentligining Statistika kengashiga kiritiladi.

21. Statistika dasturi har yili yakuniga qadar O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-martdagi PQ-114-sod qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining Statistika kengashi to'g'risidagi nizomda belgilangan tartibda Statistika kengashi tomonidan tasdiqlanadi.

**5-bob. Statistika dasturini bajarish uchun ajratilgan
mablag'larning sarflanishi ustidan nazorat**

22. Statistika dasturida belgilangan va amalga oshirilgan statistika ishlari uchun haq to'lash statistika ishlarini bajarishga shartnoma va Statistika agentligi tomonidan har oyda taqdim etiladigan bajarilgan ishlar dalolatnomalari asosida amalga oshiriladi.

23. Statistika dasturini bajarish uchun ajratilgan O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti mablag'larning sarflanishi bo'yicha hisob va hisobotlarni yuritish byudjet qonunchiligidagi muvofiq Statistika agentligi tomonidan amalga oshiriladi.

24. Statistika dasturi ijrosini ta'minlash, shuningdek uni bajarish uchun ajratilgan moliyaviy mablag'larning maqsadli sarflanishi natijalari har chorak yakunlari bo'yicha Statistika agentligining Hay'at yig'ilishlarida muhokama etib boriladi.

6-bob. Yakuniy qoida

25. Ushbu Metodika talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

450 “O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo'yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to'g'risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
10-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3255-2*

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O'RQ-957-son “Ma'muriy islohotlar doirasida ta'lif sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariiga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 12-iyundagi 26-son “O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo'yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to'g'risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyrug'iiga (ro'yxat raqami 3255, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3255/1031-son) ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 29-noyabr,
195-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-dekabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
29-noyabrdagi 195-son buyrug'iiga
ILOVA

**“O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan
byudjet tashkilotlari bo'yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga
doir rejaning bajarilishi to'g'risidagi choraklik va yillik hisobot
shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa kiritilayotgan
o'zgartirishlar**

1. 1-bandda:

beshinchi xatboshidagi “ta'lim muassasalari” degan so‘zlar “davlat ta'lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

sakkizinchchi xatboshidagi “oliy ta'lim muassasalari” degan so‘zlar “davlat oliy ta'lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 4-ilovaning nomidagi “ta'lim muassasalari” degan so‘zlar “davlat ta'lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

3. 6-ilovadagi “ta'lim muassasalaridan” va “ta'lim muassasalariga” tegishli ravishda “ta'lim tashkilotlaridan” hamda “ta'lim tashkilotlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

4. 7-ilovaning nomidagi “Oliy ta'lim muassasalari” degan so‘zlar “Davlat oliy ta'lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 22-ilovada:

“ta'lim muassasalaridan” degan so‘zlar “ta'lim tashkilotlaridan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“ta'lim muassasalariga” degan so‘zlar “ta'lim tashkilotlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Oliy ta'lim muassasalarida” degan so‘zlar “Davlat oliy ta'lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Oliy ta'lim va muassasalarida” degan so‘zlar “Davlat oliy ta'lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

6. 23-ilovadagi “ta'lim muassasalari” va “Oliy ta'lim muassasalari” degan so‘zlar tegishli ravishda “davlat ta'lim tashkilotlari” hamda “Davlat oliy ta'lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

451 Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmati xodimlarining faoliyati samaradorligini baholash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 12-dekabrdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3583

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 10-iyuldagи PF-100-son “Byudjet mablag'laridan foydalanish ustidan moliyaviy nazoratni kuchaytirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman**:

1. Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmati xodimlarining faoliyati samaradorligini baholash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat xizmatini rivojlantirish agentligi hamda O'zbekiston Respublikasi Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq 2025-yil 1-yanvardan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 2-dekabr,
198-son

Kelishildi:

*Davlat xizmatini rivojlantirish
agentligi direktorining birinchi o'rinnbosari*

A. MUSAYEV

2024-yil 2-dekabr

*Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri*

B. ZOHIDOV

2024-yil 29-noyabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-dekabrdan e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
 2-dekabrdagi 198-son buyrug'iga
 ILOVA

**Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit
 xizmati xodimlarining faoliyati samaradorligini baholash
 tartibi to'g'risidagi
 NIZOM**

Ushbu Nizom ichki audit xizmati tashkil etilgan vazirlik va idoralar, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklarining (bundan buyon matnda davlat organlari va tashkilotlari deb yuritiladi) ichki audit xizmatlari rahbari va xodimlari faoliyatining samaradorligini eng muhim ko'rsatkichlar asosida baholash (bundan buyon matnda baholash deb yuritiladi), ularni rag'batlantirish va reytingini yuritish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizom talablari davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmatlari rahbari va xodimi faoliyatining samaradorligini xodimlarga yuklatilgan eng muhim samaradorlik ko'rsatkichlarga erishishdagi hamda vazifa va funksiyalarni bajarilishidagi hissasini baholashga nisbatan tatbiq etiladi.

Bunda ichki audit xizmatlari rahbari va xodimining ijro va mehnat intizomiga rivoja qilganligi hamda tashabbuskorligiga oid ko'rsatkichlari Davlat fuqarolik xizmatchilar faoliyatining samaradorligini eng muhim ko'rsatkichlar asosida baholash uslubiyatiga (ro'yxat raqami 3407, 2022-yil 28-dekabr) (bundan buyon matnda Uslubiyat deb yuritiladi) asosan belgilanadi.

2. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalilanadi:

byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish — davlat organlari va tashkilotlarida moliyaviy operatsiyalar bajarilguniga qadar hamda bajarilishi jarayonida moliyaviy xato va kamchiliklarni aniqlash va oldini olish jarayoni;

masofaviy nazorat — axborot texnologiyalari va ma'lumotlar bazasidan foydalangan holda amalga oshiriladigan nazorat turi.

3. Ichki audit xizmati rahbarining hamda bir nafar shtatdan iborat audit xizmati xodimining, shunindek shtatida ichki audit xizmati rahbaridan tashqari faqat bir nafar xodimi bo'lgan audit xizmati xodimining faoliyatini baholash davlat organlari va tashkilotlarining baholash tizimini joriy etish va monitoring qilish bo'yicha mas'ul tarkibiy tuzilmasi (bundan buyon matnda Mas'ul tarkibiy tuzilma deb yuritiladi) tomonidan amalga oshiriladi.

4. Ichki audit xizmatlari xodimi (bundan buyon matnda xodim deb yuritiladi) faoliyatining samaradorligini baholash ichki audit xizmati rahbari tomonidan har chorakda amalga oshiriladi hamda u baholash bilan bog'liq ma'lumotlarning to'g'riliği va xolisligiga javobgar hisoblanadi.

5. O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi (bundan buyon

matnda Iqtisodiyot va moliya vazirligi deb yuritiladi) tomonidan ichki audit xizmati rahbari va xodimi faoliyatining samaradorlik ko'rsatkichlari bo'yicha ma'lumotlarning haqqoniyligi ichki audit xizmatlari faoliyatini baholash doirasida o'rganib boriladi.

2-bob. Ichki audit xizmati rahbari va xodimining faoliyatini samaradorligini baholash hamda rag'batlantirish

6. Xodim faoliyatining eng muhim samaradorlik ko'rsatkichlari quyidagilar hisoblanadi:

byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olishdagi natijalar;

masofaviy nazoratni amalga oshirishdagi natijalar;

ichki audit yillik rejasida xodim mas'ul bo'lgan ichki audit tadbirlarining o'tkazilishi;

xodim tomonidan berilgan taklif va tavsiyalarning ichki audit obyektlari tomonidan bajarilishi.

7. Xodim faoliyatining eng muhim samaradorlik ko'rsatkichlarini hisoblashda quyidagi ma'lumotlardan foydalilanadi:

byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish, masofaviy nazorat tadbirlariga oid ma'lumotlar;

ichki audit yillik rejasining bajarilishi bo'yicha ma'lumotlar;

berilgan taklif va tavsiyalarning ichki audit obyektlari tomonidan bajarilishiga oid ma'lumotlar.

8. Xodimning byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olishdagi natijalari ko'rsatkichi quyidagi formulaga asosan hisoblanadi:

$$X_p = \left(\frac{B_x}{B_t} * B_v \right) * 100\%$$

Bunda:

X_p — xodimning hisobot davridagi byudjet qonunchiligi buzilishining oldini olishdagi natijalari ko'rsatkichi;

B_x — xodimning hisobot davrida byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish bo'yicha natijasi;

B_t — xodimning o'tgan yilning mos davrida byudjet qonunchiligi buzilishini oldini olishdagi natijasi;

B_v — byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olishdagi natijalari ko'rsatkichiga belgilanadigan vazn.

B_x ning (xodimning hisobot davrida byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish bo'yicha natijasi) B_t ga (xodimning avvalgi yilning mos davrida byudjet qonunchiligi buzilishini oldini olishdagi natijasi) nisbatli birdan yuqori bo'lganda, ko'rsatkichni hisoblashda nisbatning miqdori "1" deb olinadi.

9. Xodimning masofaviy nazoratni amalga oshirishdagi natijalari ko'rsatkichi-

ni hisoblash mazkur Nizomning 8-bandiga asosan hisobot davridagi hamda avvalgi yilning mos davridagi masofaviy nazorat natijalarini hisoblash orqali aniqlanadi.

10. Ichki audit yillik rejasida xodim mas'ul bo'lgan ichki audit tadbirlarining o'tkazilishi ko'rsatkichi hisobot davrida ichki audit yillik rejasiga asosan xodim tomonidan o'tkazilgan ichki audit tadbirlari sonini hisobot davrida o'tkazilishi belgilangan ichki audit tadbirlari soniga nisbati orqali aniqlanadi.

11. Xodim tomonidan berilgan taklif va tavsiyalarning ichki audit obyektlari tomonidan bajarilishi ko'rsatkichi hisobot davrida ichki audit obyektlari tomonidan bajarilgan taklif va tavsiyalarning ushbu davrda bajarilishi belgilangan taklif va tavsiyalarga nisbati orqali aniqlanadi.

12. Baholashda foydalaniladigan xodim faoliyatining samaradorlik ko'rsatkichlari natijalari foizda hisoblanadi.

13. Ichki audit tadbiri bir nechta xodim tomonidan amalga oshirilganda, xodimning byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish, masofaviy nazoratni amalga oshirish va ichki audit yillik rejasidagi ichki audit tadbirlarini o'tkazish natijalaridagi ulushi ichki audit xizmati rahbari tomonidan aniqlanadi.

14. Xodim tomonidan avvalgi yilda byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olish va/yoki masofaviy nazorat amalga oshirilmagan hollarda, xodimning hisobot davridagi mos ko'rsatkichlari "1"ni tegishli vazniga ko'paytirish orqali foizda aniqlanadi.

15. Xodim faoliyatining eng muhim samaradorlik ko'rsatkichlarining muhimlik darajasidan kelib chiqib, unga quyidagicha vazn belgilanadi:

xodimning byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olishdagi natijalari — 0,30;

xodimning masofaviy nazoratni amalga oshirishdagi natijalari — 0,30;

ichki audit yillik rejasida xodim mas'ul bo'lgan ichki audit tadbirlarining o'tkazilishi — 0,20;

xodim tomonidan berilgan taklif va tavsiyalarning ichki audit obyektlari tomonidan bajarilishi — 0,20.

16. Mazkur Nizomga muvofiq hisoblab chiqilgan ko'rsatkichlar yig'indisi asosida xodimning faoliyati samaradorligi yig'ma ko'rsatkichi (KPI) aniqlanadi.

Masalan:

Ichki audit xizmatida 3 nafer xodim faoliyat yuritadi. Ushbu xodimlar hisobot davrida quyidagi natjalarga ega:

| T/r | Samaradorlik ko'rsatkichlari | 1-xodim | 2-xodim | 3-xodim |
|-----|---|--|---|---|
| 1. | Byudjet to'g'risidagi qonunchilik buzilishi holatlarining oldini olishdagi natijalari | 900 mln.so'm (o'tgan yilda 1,2 mlrd.so'm) | 1,5 mlrd. so'm (o'tgan yilda 1,2 mlrd. so'm) | 1,7 mlrd. so'm (o'tgan yilda 1,2 mlrd. so'm) |
| 2. | Masofaviy nazoratni amalga oshirishdagi natijalari | 1,3 mlrd (o'tgan yilda 1 mlrd.so'm) | 900 mln (o'tgan yilda 1 mlrd. so'm) | 1,6 mlrd (o'tgan yilda 1 mlrd. so'm) |
| 3. | Ichki audit yillik rejasiga muvofiq o'tkazilgan ichki audit tadbirlari soni | 4 (umumiyl soni 5) | 5 (umumiyl soni 5) | 4 (umumiyl soni 6) |
| 4. | Ichki audit obyektlari tomonidan bajarilgan taklif va tavsiyalar soni | 18 (umumiyl soni 20) | 15 (umumiyl soni 21) | 12 (umumiyl soni 16) |

Bunda 1-xodim faoliyatining samaradorlik ko'rsatkichlari quyidagicha hisoblanadi:

byudjet qonunchiligi buzilishining oldini olishdagi natijalari: $(0,9 / 1,2) \times 0,3$ (muhimlik vazni) $\times 100\% = 22,5$ foiz;

masofaviy nazoratni amalga oshirishdagi natijalari: $1,3 / 1 = 1$ (nisbatning miqdori birdan ko'p bo'lganligi uchun "1" olindi) $\times 0,3$ (muhimlik vazni) $\times 100\% = 30$ foiz;

ichki audit yillik rejasida xodim mas'ul bo'lgan ichki audit tadbirlarining o'tkazilishi: $(4/5) \times 0,2$ (muhimlik vazni) $\times 100\% = 16$ foiz;

berilgan taklif va tavsiyalarning ichki audit obyektlari tomonidan bajarilishi: $(18/20) \times 0,2$ (muhimlik vazni) $\times 100\% = 18$ foiz.

1-xodim faoliyati samaradorligining yig'ma ko'rsatkichi (KPI): $22,5\% + 30\% + 16\% + 18\% = 86,5$ foiz.

17. Xodim faoliyatining samaradorligi ko'rsatkichlarini hisoblash natijalari har chorak hisobot davridan keyingi oyning 5-sanasiga qadar ushbu Nizomning 1-ilovasida* belgilangan shaklda ichki audit xizmati rahbari tomonidan imzolana di hamda Mas'ul tarkibiy tuzilmaga kiritiladi.

Bunda samaradorlik ko'rsatkichlarini hisoblash natijalaridan kelib chiqib xodimning faoliyati samaradorligining yig'ma ko'rsatkichi quyidagicha baholanadi:

56 foizgacha — "qoniqarsiz";

56 (56 foiz ham kiradi) foizdan 71 foizgacha — "qoniqarli";

71 foizdan (71 foiz ham kiradi) 86 foizgacha — "yaxshi";

86 foizdan (86 foiz ham kiradi) yuqori — "a'lo".

Ushbu yig'ma ko'rsatkichni baholash natijalari xodimning reytingini yuritisha foydalaniladi.

18. Mazkur Nizom asosida xodimning faoliyatini baholash natijalari Mas'ul tarkibiy tuzilma tomonidan ichki audit xizmati xodimiga yuklatilgan eng muhim samaradorlik ko'rsatkichlari erishishdagi hamda vazifa va funksiyalarni bajarishdagi hissasini aniqlashda foydalaniladi.

19. Mas'ul tarkibiy tuzilma tomonidan ichki audit xizmati rahbari faoliyatining samaradorligi ushbu Nizomning 6-bandidagi ko'rsatkichlar asosida ichki audit xizmatining hisobot davridagi natijalaridan kelib chiqib hisoblanadi.

Bunda ushbu ko'rsatkichlarni hisoblash mazkur Nizomning 8 — 11-bandlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

20. Mas'ul tarkibiy tuzilma tomonidan Uslubiyatga muvofiq, "yaxshi" va "a'lo" deb baholangan ichki audit xizmati rahbari va xodimiga nisbatan davlat organi va tashkiloti rahbarining tegishli buyrug'i asosida rag'batlantirish choralar qo'llanilishi mumkin.

3-bob. Ichki audit xizmati rahbari va xodimining faoliyatining samaradorligi reytingini yuritish

21. Davlat organlari va tashkilotlari tomonidan Iqtisodiyot va moliya vazirligiga xodim faoliyatining samaradorligi yig'ma ko'rsatkichlari va uning

* 1-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

baholanishi bo'yicha ma'lumotlar hisobot choragidan keyingi oyning 20-sanasiga qadar taqdim etiladi.

22. Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan davlat organlari va tashkilotlari tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlar asosida vazirlik rasmiy veb-saytida ichki audit xizmati rahbari va xodimining faoliyati samaradorligi reytingini mazkur Nizomning 2-ilovasida* keltirilgan jadvalga muvofiq shakllantiradi hamda ushbu reyting jamoatchilik uchun ochiq hisoblanadi.

23. Ichki audit xizmati rahbari va xodimining faoliyati samaradorligi reytingi xodim faoliyatining samaradorligi yig'ma ko'rsatkichlarini kamayib borish tartibida joylashtirish asosida shakllantiriladi.

4-bob. Yakunlovchi qoida

24. Ushbu Nizom talablarini buzganlikda aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

* 2-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGINING
QARORI

452 Toshkent davlat yuridik universitetida o'qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
13-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2780-6*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son “O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Adliya vazirligi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi va Adliya vazirligining 2016-yil 22-apreldagi 1-2016, 4-son qarori (ro'yxat raqami 2780, 2016-yil 22-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 16-son, 172-modda) bilan tasdiqlangan Toshkent davlat yuridik universitetida o'qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.
2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta'lif, fan va
innovatsiyalar vaziri**

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2024-yil 7-dekabr,
48-q/q-son

Adliya vaziri

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 10-dekabr,
1-mh-son

O‘zbekiston Respublikasi
 Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda
 Adliya vazirligining 2024-yil 7, 10-dekabrdagi
 48-q/q, 1-mh-son qaroriga
 ILOVA

**Toshkent davlat yuridik universitetida o‘qitishning modul tizimi
 sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash
 mezonlari to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 19-banddagи “ikki hafta” degan so‘zlar “uch hafta” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 61-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“61. O‘quv mashg‘ulotlarida kasalligi yoki hujjat bilan tasdiqlangan boshqa uzrli sabablar tufayli (yo‘l-transport hodisasi, yaqin qarindoshining vafoti, yaqin qarindoshining yoki talabaning nikoh tuzishi, farzand tug‘ilishi, fan, madaniyat va sport sohalaridagi xalqaro hamda respublika tanlovlari va musobaqalarida, harbiy kafedra mashg‘ulotlarida ishtirot etganlik, universitetning elektron ta’lim platformasida yuzaga kelgan texnik nosozlik) ishtirot etmagan va shu sababli oraliq yoki yakuniy nazoratni belgilangan muddatda topshirmagan talabaga uning arizasi hamda unga ilova qilingan asoslantiruvchi hujjatlarga muvofiq, qoldirgan o‘quv mashg‘ulotlarini qayta o‘zlashtirganidan so‘ng fakultet dekani tomonidan o‘quv ishlari bo‘yicha prorektor bilan kelishilgan holda oraliq yoki yakuniy nazoratni topshirishga ruxsat beriladi.

Bunda, talaba fakultet dekani nomiga kasalligi yoki boshqa uzrli sabablarga ko‘ra qoldirilgan o‘quv mashg‘ulotlarini qayta o‘zlashtirish hamda oraliq yoki yakuniy nazoratni topshirishga ruxsat berishni so‘rab, uzrli sabablar (holatlar) yakunlangan vaqtidan boshlab 5 ish kuni ichida ariza bilan murojaat qilishi lozim.”.

3. Quyidagi mazmundagi 61¹ va 61²-bandlar bilan to‘ldirilsin:

“61¹. O‘quv mashg‘ulotlarida uzsiz sabablar tufayli ishtirot etmagan va shu sababli oraliq nazoratni belgilangan muddatda topshirmagan talabaga uning arizasiga muvofiq, qoldirgan o‘quv mashg‘ulotlarini qayta o‘zlashtirganidan so‘ng fakultet dekani tomonidan o‘quv ishlari bo‘yicha prorektor bilan kelishilgan holda oraliq nazoratni topshirishga ruxsat beriladi.

Bunda, uzsiz sabablarga ko‘ra qoldirilgan o‘quv mashg‘ulotlari mazkur mashg‘ulotga ajratilgan auditoriya soatining 25 foizidan oshmagan taqdirda talabaga qoldirgan o‘quv mashg‘ulotlarini qayta o‘zlashtirishga yo‘l qo‘yiladi.

Talaba fakultet dekani nomiga uzsiz sabablarga ko‘ra qoldirilgan o‘quv mashg‘ulotlarini qayta o‘zlashtirish hamda oraliq nazoratni topshirishga ruxsat berishni so‘rab, talaba o‘quv mashg‘ulotlariga chiqqan kundan boshlab 5 ish kuni ichida ariza bilan murojaat qilishi lozim.”.

61². Uzrli va uzsiz sabablarga ko‘ra qoldirilgan o‘quv mashg‘ulotlarini qayta o‘zlashtirish tartibi o‘quv mashg‘ulotlarining xususiyatidan kelib chiqib, Akademik halollik kengashi tomonidan belgilanadi.”.

4. 62-band o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING
BUYRUG'I

453 O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to'g'risidagi nizomining 1 va 2-ilovalariga o'zgartirish kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
14-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3526-1*

O'zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O'RQ-957-son "Ma'muriy islohotlar doirasida ta'lif sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil 15-maydagi 144-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3526, 2024-yil 8-iyul) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 10.07.2024-y., 10/24/3526/0489-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to'g'risidagi nizomning 1 va 2-ilovalari matnidagi "oliy ta'lif muassasalari" degan so'zlar "oliy ta'lif tashkilotlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligi, Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda Milliy gvardiya bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. KULDASHEV

Toshkent sh.,
2024-yil 6-dekabr,
434-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 5-dekabr

*Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri*

B. ZAXIDOV

2024-yil 13-noyabr

Ichki ishlar vaziri

2024-yil 19-noyabr

*Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri*

P. BOBOJONOV

K. SHARIPOV

2024-yil 14-noyabr

*Maktabgacha va maktab
ta'limi vaziri*

X. UMAROVA

2024-yil 15-noyabr

Milliy gvardiya qo'mondoni

R. DJURAYEV

2024-yil 9-noyabr

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 9-noyabrdagi 34/5-son “O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan tijorat banklarining likvidliligini favqulodda qo‘llab-quvvatlash uchun kreditlar ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2024-yil 10-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3581.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 13-mb-son “Bir yillik statistika dasturini hisoblash metodikasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 10-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3582.

3. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 29-noyabrdagi 195-son “O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjetidan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha tarmoq, shtatlar va kontingentga doir rejaning bajarilishi to‘g‘risidagi choraklik va yillik hisobot shakllarini tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 10-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3255-2.

4. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 2-dekabrdagi 198-son “Davlat organlari va tashkilotlarining ichki audit xizmati xodimlarining faoliyati samaradorligini baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 12-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3583.

5. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Adliya vazirligining 2024-yil 7, 10-dekabrdagi 48-q/q, 1-mh-son “Toshkent davlat yuridik universitetida o‘qitishning modul tizimi sharoitlarida talabalar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 13-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2780-6.

6. O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil 6-dekabrdagi 434-son “O‘zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi nizoming 1 va 2-ilovalariga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 14-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3526-1.